


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



# БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Биологик таълимда  
кредит-модуль тизими

МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** п.ф.д., проф. Ж.О.Толипова

**Такризчилар:** б.ф.д., проф. С.Г.Шеримбетов - Турон фанлар академиясининг академиги – ЎзР ФА Биоорганик кимё институти профессори, лаборатория мудири  
б.ф.н., доц. Д.Маматқулов – ТДПУ доценти.

**Хорижий эксперт:** PhD доктори Франк Лапер - Pontet de Paris №10 университети (Париж).

**Ўқув-услугий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**



## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>16</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>67</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>109</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>118</b>



## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сонли Фармонида олий таълим тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига кредит-модуль ёндошувни татбиқ этиш назарда тутилган.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини кредит-модуль ўқитиш тизимига тайёрлаш, мазкур тизимнинг дидактик ва методик таъминотини яратиш, педагогик фаолиятида учраган типик камчиликларни бартараф этиш, уларнинг педагогик тафаккурини кенгайтириш мақсадида педагогик кадрларнинг малакасини ошириш ўқув режасига **Биологик таълимда кредит-модуль тизими** курсини киритиш зарурати вужудга келди.

Курс якунида профессор-ўқитувчилар қуйидаги тайёргарликка эга бўлиши назарда тутилмоқда:

**I. Ўқитувчининг педагогик фаолиятга педагогик-психологик тайёргарлиги нуқтаи назаридан қуйидаги методик билим, кўникма ва малакалар:**

- Кредит- модуль ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятларини англаш, мазкур тизимнинг дидактик ва методик таъминотини яратиш кўникмаларини эгаллаш;

- Ўқитиш шаклларида ўқитиш методлари ва воситаларидан ўз ўрнида фойдаланишни билиш

- Таълим-тарбия жараёнида таълим мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларида уйғунлиги, узвийлигини таъминлаш йўллари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш

- Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларини қўллаш кўникмаларини эгаллаш;

- Таълим берадиган фанлари туркумини кредит-модуль тизимини жорий этиш методикасининг асосий ғояларини билиш;

- Маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида кредит-модуль ўқитиш технологияларини қўллаш учун зарур бўлган билим, кўникмаларини эгаллаш;

- Блум таксономияси бўйича машғулотларнинг дидактик мақсадларини аниқлаш, машғулотнинг ҳар бир босқичи учун репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва креатив ўқув топшириқлари, уларнинг дидактик мақсадларини аниқлаш ва шакллантириш

- Кредит- модуль ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари асосида ўқув дастурини модулларга ажратиш, ҳар бир модул учун репродуктив,



продуктив, қисман-изланишли ва ижодий (креатив) ўқув топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш;

- Ўқув фанлари ўртасида фанлараро, мавзулараро боғланишни амалга ошириш

- Машғулот мавзуси ва мақсадига асосан ўқув ахбороти, матн, иллюстрация, схема, жадвал, савол ва топшириқлар, восита, метод ва шаклларни танлаш

- Ўқитишнинг дидактик воситалари таснифини билиш ва уларни машғулот мавзусига мос равишда танлай олиш

- Янги ўқув материали устида ишлашнинг босқичлари ва мантиқий йўналишини белгилаш

- Кредит-модул ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари асосида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий усулларини билиш ва олинган натижаларни таҳлил қила олиш, рейтинг тизими балларини мақсадга мувофиқ дифференциаллаштиришни билиш ва қўллаш олиш

- Ўқитишнинг истиқбол ва мавзули режалари, рейтинг тизимининг назорат турлари учун дифференциаллаштирилган топшириқларни туза олиш

- Талабаларнинг билиш фаолиятидаги типик камчиликлар ва уларнинг жавобларидаги хатоликларни аниқлаш

- Ўқув фанини ўрганиш натижасини баҳолаш, талабалар томонидан таълим мазмунининг таркибий қисмлари (билим, кўникма, малака, тажриба ва қадриятлар тизими)ни ўзлаштириш даражасини аниқлаш

**Биологик таълимда кредит-модуль тизими курсининг мақсади:** профессор-ўқитувчиларни олий таълимда кредит-модул ёндошув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш, педагогик маданият ва техникага доир кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

**Биологик таълимда кредит-модуль тизими курсининг вазифалари:**

- олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш назарияси ва методикасини ўргатиш;

- кредит-модул ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мазмуни, технологиялари, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш маҳоратини эгаллашга замин яратиш;

- олий таълимда кредит-модул тизимини қўллаш асносида ўқув жараёнини лойиҳалаш ва режалаштириш йўллари кўрсатиб бериш;

- педагогик маданият ва техникани эгаллаш усулларини ёритиб бериш.

**Биологик таълимда кредит-модуль тизими курсининг ўрни**

Курсни ўзлаштириш орқали профессор-ўқитувчилар кредит - модуль тизимида ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш билим, кўникма ва малакалари, шунингдек технологик компетентликка эга бўладилар.

**Модуль бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модуль мавзулари	Жами аудитория соати	Жумладан	
			Назарий	Амалий
1.	Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш юзасидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўллари.	2	2	
2.	Кредит-модуль тизимининг таърифи, тавсифи, талаба шахсининг ривожланиши ва келгуси касбий фаолиятидаги аҳамияти.	2	2	
3.	Кредит-модуль ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.	2	2	
4.	Кредит-модуль тизимида Халқаро баҳолаш дастурларини амалга қўллаш.	2	2	
5.	Халқаро баҳолаш дастурлари талабларини маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларнинг мазмунан ва идентив ўқув мақсадларига мувофиқ узвийлигини таъминлаш.	2	2	
6.	Биологияни ўқитишда модуль мазмуни юзасидан талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни аниқлаш.	2		2
7.	Мавзу юзасидан талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашни амалга ошириш.	2		2
8.	Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларини шакллантириш ва эришилган даражани баҳолаш тизими Ўқув фанлари бўйича мураккаблик даражаси турлича (репродуктив, продуктив, қисман-изланишчи	2		2



	ва креатив) бўлган ўқув ва тест топшириқларини шакллантириш.			
9.	Кредит бирликларини аниқлаш ва уларга мос ҳолда талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш	2		2
10.	Кредит-модуль тизимидан фойдаланишда локаль ва хусусий методик технологиялардан фойдаланиш	2		2
11.	Маъруза машғулотларининг кредит-модуль тизими талаблари асосида квалиметрик диагностикаси.	2		2
12.	Лаборатория машғулотларни кредит-модуль тизими талаблари асосида квалиметрик диагностикаси.	2		2
13.	Амалий ва семинар машғулотларни кредит-модуль тизими талаблари асосида квалиметрик диагностикаси.	2		2
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-маъруза: Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш юзасидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўллари.**

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва олий таълим тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган талаблар. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

**2-маъруза: Кредит-модуль тизимининг таърифи, тавсифи, талаба шахсининг ривожланиши ва келгуси касбий фаолиятидаги аҳамияти.**

Кредит-модуль тизимининг умумий таърифи ва тавсифи. Кредит-модуль тизими принциплари ва уларни амалга ошириш йўллари. Академик кредит ва академик модуль тушунчалари.

**3-маъруза: Кредит - модуль ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.**

Кредит - модуль ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Кредит-модуль ўқитиш тизимида инновацион технологиялардан фойдаланиш.

**4-маъруза: Кредит-модуль тизимида халқаро баҳолаш дастурларини амалга қўллаш.**

Кредит-модуль тизимида Халқаро баҳолаш дастурларини амалга ошириш йўллари. Халқаро баҳолаш дастурларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-амалий машғулот: Биологияни ўқитишда модуль мазмуни юзасидан талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни аниқлаш.**

Биологик фанларни ўқитишни кредит-модуль тизимини амалга ошириш учун ўқитувчи қуйидаги ишларни босқичма-босқич бажариши лозим. Ўзингиз ўқитишга мутассади бўлган биологик фаннинг ишчи дастурида келтирилган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритиш ва уларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун фойдаланилаётган назорат топшириқларини таҳлил қилиш. Биологик фаннинг ишчи дастурида келтирилган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритиш.

**2-амалий машғулот: Мавзу юзасидан талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашни амалга ошириш.**

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади. Интегратив тестлар, Адаптив тестлар, Мезонли-мўлжал олиш тестлари. Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, бакалаврият йўналиши битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.





**3-амалий машғулот: Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларини шакллантириш ва эришилган даражани баҳолаш тизими ўқув фанлари бўйича мураккаблик даражаси турлича (репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва креатив) бўлган ўқув ва тест топшириқларини шакллантириш.**

Ўзингиз ўқитадиган курснинг ишчи дастурини таҳлил қилинг. Унда талаба эгалланиши назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларни таҳлил қилинг. Талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган мазкур билим, кўникма ва малакаларни Блум таксономиясига мувофиқ курс юзасидан ўқув мақсадларига айлантинг.

**4-амалий машғулот: Кредит бирликларини аниқлаш ва уларга мос ҳолда талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш.**

Биологик фанларни ўқитишда Халқаро баҳолаш дастурларининг талабларини амалга ошириш. “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга мувофиқ Республика халқ таълими тизимига қуйидаги дастурлар амалиётга жорий этиш.

**5-амалий машғулот: Кредит-модуль тизимидан фойдаланишда локаль ва хусусий методик технологиялардан фойдаланиш. кредит-модуль тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган локаль технологиялар**

Таълим-тарбия жараёнига локаль даражада қўлланиладиган педагогик технологиялар жумласига “Инсерт”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Ақлий ҳужум”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Кейс стади”, “Атамалар занжири”, “Атамалар варағи” киради. Мазкур технологиялар машғулотларнинг бир қисми, яъни талабаларнинг ўтган мавзу бўйича ўзлаштирган билимларини аниқлаш, талабаларнинг ўқув мотивларини фаоллаштириш ёки мавзунини умумлаштириш ва хулоса ясашда фойдаланиш мумкин.

**6-амалий машғулот: Маъруза машғулотларининг кредит-модуль тизими талаблари асосида квалиметрик диагностикаси.**

Биологик фанларни ўқитишда кредит-модуль тизимининг жорий этилиши, ўқитувчилардан педагогик жараёнга янгича ёндашишни талаб этади. Профессор-ўқитувчиларнинг кредит-модуль тизимининг талаблари



асосида педагогик фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

**7-амалий машғулот: Лаборатория машғулотларни кредит-модуль тизими талаблари асосида квалиметрик диагностикаси**

Лаборатория машғулотининг ўз вақтида ва ўз аудиториясида бошланиши, мавзу юзасидан лаборатория жиҳозлари ва кўргазма воситаларининг мавжудлиги. Лаборатория машғулотининг бориши, талабаларни бажариладиган иш тартиби, ўқув топшириқларининг мазмуни билан таништириш. Лаборатория машғулотининг бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши

**8-амалий машғулот: Амалий ва семинар машғулотларни кредит-модуль тизими талаблари асосида квалиметрик диагностикаси.**


Амалий машғулотнинг ўз вақтида ва ўз аудиториясида бошланиши, мавзу юзасидан кўргазма воситаларининг мавжудлиги. Амалий машғулотнинг бориши, талабаларни бажариладиган иш тартиби, ўқув топшириқларининг мазмуни билан таништириш ўқув мақсадларини шакллантиришда талабаларнинг иштироқи. Амалий машғулотининг бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Нима учун?” технологияси.


Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Тингловчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу схема тингловчиларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Тингловчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

муаммони аниқлаш, уни  
ҳал этиш, таҳлил қилиш ва  
режалаштириш жараёнида  
қўллаш мумкин




### “Нима учун”? схемасига асосан тингловчилар фаолиятини ташкил этиш кетма-кетлиги


**1-босқич**  
Тингловчиларни “Нима учун”? схемасини тузиш қоидалари  
билан таништириш



**2-босқич**  
Якка тартибда ( жуфтликда) муаммо шакллантирилади. Нима учун?  
сўроғи билан стрелка чизилади ва саволга жавоб ёзилади. Қайта-қайта  
“нима учун” деган савол бериб борилади. Муаммони келтириб чиқарган  
илдиз яширинган сабаби топилгунча давом эттирилади.




**3-босқич**  
Тингловчилар кичик гуруҳларга бирлаштирилади, ўз схемаларини таққослашга ва қўшимча киритишга имкон яратилади. Умумий схема жамланади.



**4-босқич**  
Натижалар тақдимоти уюштирилади. Фаолият натижалари баҳоланади.

**«Нима учун?» технологиясининг схемадаги кўриниши**



**«Нима учун»? схемасини тузиш қоидалари**

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

**«БЕЕР» технологияси.**

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар

бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“ВЕЕР” технологияси умумий мавзунини айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕЕР” технологияси мавзунини ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунини ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш;
- яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади. Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз. Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

### **ФСМУ технологияси.**

- (Ф) - фикрингизни баён этинг.
- (С) - сабабини кўрсатинг.
- (М) - мисол (далил) келтиринг.
- (У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

#### **1-босқич.**

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;



-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

## **2- босқич.**

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

## **3 - босқич.**

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, Ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидадан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

## **4 - босқич.**

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

## **5- босқич.**

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

## **6 - босқич.**

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан тингловчиларга мувожабат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга



Ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

-ушбу тренингда асосий вазифа нимадан иборат ва ҳоказолар.



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-майруза: Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш юзасидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўллари.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва олий таълим тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган талаблар.

2. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари.

3. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида қатор камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Жумладан, олий таълим тизимида таълим сифатини таъминлаш соҳасида:

- амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган, ўқув режаларида номутахассислик фанлари улуши юқорилигича қолмоқда;

- ўқув адабиётларининг аксарият қисми замон талабларига жавоб бермайди, ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган;

- иқтидорли ёшлар билан индивидуал ишлаш, ва талабаларни саралаб олиш механизмлари мавжуд эмас, талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилмаган;

- педагог ходимларнинг малака ошириш тизими самарали ташкил этилмаган, жумладан малака ошириш муассасаларида ўқув машғулотлари ўтказиш учун юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилинмаган, малака оширишга жалб этишда тингловчиларнинг салоҳияти инобатга олинмайди;

Қуйидагилар олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

- олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;





- соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибadorлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантириш қуйидаги **устувор йўналишлар** асосида амалга оширилади:

- таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

- олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари ва таълим сифати натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

- маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш;

- юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш;

- олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

- олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

- коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;

- олий таълим тизимининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

- таълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурларининг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлаш;

- олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш;

- индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш;

- мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш;



- талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва холисоналигини таъминлаш, жумладан баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шакллари ривожлантириб бориш;

- фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- ўқув режаларида фанлар сонини номутахассислик фанлари ҳисобига босқичма-босқич камайтириш ҳамда туташликдаги фанларни танлов фанлари рўйхатига киритиш;

- гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудлардаги барча умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал педагог кадрларни етказиб бериш;

- ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, замонавий ўқув адабиётларини яратиш тартибини соддалаштириш, энг янги хорижий адабиётларни харид қилиш ва таржима қилиш ишларини жадаллаштириш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланишни кенгайтириш, кутубхоналар фондларини мунтазам равишда янгилаб бориш;

- танлов асосида аниқланган ва ўқув адабиётларига муаллифлик қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг йиллик ўқув юкламасини тақсимлаш механизмини такомиллаштириш, бунда уларнинг умумий йиллик юкламаларида ўқув адабиётларини яратиш учун ажратилган вақтни дарс ўтиш юкламаси вақти ҳисобидан оширишни назарда тутиш;

- фан соҳалари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий мулоқот майдончаларини яратиш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тьюторлик» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш;

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Ўқув режада ўқув модулларига ажратилган ўқув соатларидан назарий ўқув материалларига нисбатан талабаларнинг мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларнинг мустақил иши ва таълимини мақсадга мувофиқ ташкил этиш;

2. Таълим-тарбия жараёнида шахсга йўналтирилган технологияларни қўллаш орқали талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий



фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш;

3. Талабаларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни таркиб топтириш мақсадида ўқув жараёнида компетенциявий ёндашувни кучайтириш;

4. Талабаларда ўқув жараёнида амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқиш;

5. Олий таълим муассасалари ўқув режасидан ўрин олган курсларни кредит-модуль тизимида ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич амалиётга жорий этиш;

6. Олий таълим муассасалари ўқув режасидан ўрин олган курсларни кредит-модуль тизимида ўтказиш методик ва дидактик таъминотини ишлаб чиқиш.

Ушбу модулнинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчиларга танланган ўқув курси бўйича таълим тарбия жараёнида талабаларда (ижодий) креатив фикрлаш имконини берадиган ўқув топшириқларини тузиш, маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларда талабаларда назарий билимлар билан амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув топшириқларни ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда эҳтиёжларига мувофиқ индивидуал таълим траекторияларига асосланган модул кредит тизими шакллантириш методикаси ишлаб чиқиш.

Ўқув-методик ва дидактик таъминотида мустақил таълим ишларининг улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, ўқув жараёнида талабаларда таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни таркиб топтиришга имкон берадиган стандарт ва ностандарт ўқув топшириқлари, Рейтинг тизими назоратларини мунтазам ва шаффоф ўтказиш имконини берадиган адаптив тестларни Ispring дастури воситасида амалга жорий этиш методикасини ишлаб чиқиш зарурати вужудга келди.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясидаги талаблар асосида ўз педагогик фаолиятингизда амалга ошириладиган ишлар режасини тузинг.

2. Олий таълим тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган талабларни изоҳланг.

3. Мазкур талаблар асосида Сиз маъсул бўлган ўқув курсининг методик ва дидактик таъминотида қандай инновациялар ва ўзгаришлар киритиш лозимлигини қайд этинг.



4. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини изоҳланг.

5. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва ўз педагогик фаолиятингизни амалга оширишда уларнинг ўрнини тушунтиринг.

## **2-маъруза: Кредит-модуль тизимининг таърифи, тавсифи, талаба шахсининг ривожланиши ва келгуси касбий фаолиятидаги аҳамияти.**

### **Режа:**

1. Кредит-модуль тизимининг умумий таърифи ва тавсифи.
2. Кредит-модуль тизими принциплари ва уларни амалга ошириш йўллари.
3. Академик кредит ва академик модул тушунчалари

Мамлакатда жорий йилнинг рақамли иқтисодиёт ва инновациялар йили деб белгиланиши жамият ва ишлаб чиқаришдаги барча соҳаларнинг, шу жумладан ижтимоий соҳада устувор саналган узлуксиз таълим тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнини аниқ мақсадлар асосида ташкил этиш ва таълим самарадорлигига эришишни тақоза этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида таълим-тарбия жараёнига қатор вазифалар, жумладан, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустақкам интеграциясини таъминлаш, кредит-модул тизими ўтиш орқали таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган вазифалар ичида энг асосийси кредит-модул тизими ўтиш орқали таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини орттириш саналади.

Маълумки, ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни анъанавий таълим тизимига асосан ташкил этилмоқда.

Анъанавий таълим тизимининг муайян ижобий томонлари бўлиши билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжуд ва тизимнинг самарадорлиги паст бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш ва таълим самарадорлигини орттириш мақсадида кредит-модул тизими ўтиш белгиланган.

Кредит-модуль тизимининг нима афзалликлари мавжуд деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларини Рейтинг тизими назоратлари воситасида яхлит назорат қилинган ва баҳоланган.

Кредит-модуль тизимида ўқув дастуридан ўрин олган таълим мазмуни модулларга ажратилади ва ҳар бир модульга кредит бирлиги аниқланади. Талаба ўқув йили давомида ўқув курси бўйича белгиланган кредит бирликларини тўплаши лозим бўлади.

Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, талаба ҳар бир модуль бўйича белгиланган кредит бирлиги тўплаш орқали ўқув курси дидактик мақсадларига босқичма-босқич эришади, эришилган натижани таҳлил қилади ва ўз ўқув фаолиятига онгли ёндашиш орқали ўқув мотивларини фаоллаштиради. Мазкур тизимда субъект-объект эмас, балки субъект-субъект муносабатлари вужудга келади.

Кредит тизимида синов бирлиги (кредит ECTS - European Credit Transfer System) ҳақида тушунча. ECTS кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори 60 тани ташкил этади. Бир ўқув йили 2 семестрдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, талаба ўқиши давомида ҳар семестр 30 кредит тўлаб бориши зарур. Бакалавр дастури одатда 4 йил эканлигини ҳисобга олсак, талаба ушбу даражани қўлга киритиш учун жами 240 кредит, магистратура дастурини тугаллаш учун эса 120 кредит тўплаши керак бўлади.

Кредит-модуль тизими олий таълим тизимини модернизациялаш, жаҳон стандартларига мослаштириш имконини бериб, анъанавий таълим тизимига нисбатан анча мукамал, замонавий, ҳамма учун тушунарли, аниқ ўлчов бирлигига эга бўлган тизим саналади.

ECTS кредит-модуль тизимида талаба эса ҳар бир семестр, ўқув йили давомида муайян миқдорда кредитлар тўлаб бориши ва тегишли миқдордаги, яъни 240 кредитни тўлагандан сўнг унга бакалавр, бакалаврни тугатгандан сўнг магистратура даражасини эгаллаш учун 120 кредит тўплаши керак бўлади.

ECTS кредит-модуль тизимида бир ўқув йили учун кредитлар миқдори 60 тани ташкил этади. Бир ўқув йили 2 семестрдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, талаба ўқиши давомида ҳар семестр 30 кредит тўлаб бориши зарур.

Профессор-ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ўзи ўқийдиган ўқув модулининг қайси семестрда, талабалар қанча кредит тўплаши, шу кредитни эгаллаши учун талабалар томонидан бажариладиган мураккаб таълим ва назарий машғулотлар юктамалари, ўқув ва тест топшириқларини аниқлаши зарур.

**Кредит-модуль тизимида ўқиш юктамаси** ECTS кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25-30 академик соатлик ўқиш юктамасига тенг.



Профессор-ўқитувчи ўқув режада ўқув курсини ўқитишга режалаштирилган соатларни эътиборга олган ҳолда тегишли кредит миқдорини белгилайди. Талаба қўлга киритиши учун маълум миқдордаги ўқиш юкласини (“learning workloads”) бажариши зарур. Профессор-ўқитувчи талабаларнинг ўқув юкласини маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларида бажарадиган ўқув ва тест топшириқлари, мустақил ишларнинг режасига мувофиқ шакллантиради.

Талабанинг ўқиш юкласи бу муайян фан бўйича белгиланган ўқув мақсадларига эришишига қаратилган барча тизимли топшириқларни бажариш учун белгиланган вақт. 1 кредит ўқиш юкласи 25-30 соат оралиғида белгиланган. Одатда ҳар бир ОТМ ўзининг ички қоидаларида белгилайди ва бу қоидалар ОТМ веб саҳифасида шаффоф тарзда жойлаштирилади.

Агар Сиз ўқийдиган курсга 3 кредит ажратилган бўлса, талаба ушбу фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 75-90 соатлик ўқиш юкласини бажариши керак бўлади ( $25 \cdot 3 = 75$ ;  $30 \cdot 3 = 90$ ). Шундай экан кредит-модуль тизимини жорий этган ОТМларда талабалар ҳар бир фан учун белгиланган кредитлар миқдорига қараб туриб, ўқув йилининг бошида ҳар бир ўқув курси учун талабалар ўқиш ва ўрганишга қанча вақт сарфлаш кераклигини, ўқув топшириқларини силабус кўринишида ёки талабанинг шу курс бўйича мустақил иш дафтари шаклида шаффофликнинг бир кўриниши сифатида тавсия этиши зарур. Кредит-модуль тизими принциплари ва уларни амалга ошириш йўллари.

Олий таълим тизимида кредит-модуль тизимини амалга ошириш принциплари қуйидагилар:

1. Талаба шахсига йўналтирилган технология асосида ўқув курси мазмунидан келиб чиққан ҳолда кредит - модуль тизимининг дидактик ва методик таъминотини ишлаб чиқиши лозим (student-centered education);

2. Таълим-тарбия жараёни давомида тизимли, мунтазам ва шаффофликка асосланган талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг тизими топшириқларини шакллантириш ва амалиётга жорий этиш (transparent education);

3. Кредит-модуль тизими талабалари асосида таълим-тарбия жараёнининг мосланувчанлигини кучайтириш, яъни талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг тизими топшириқларини мураккаблик даражаси (репродуктив, продуктив, қисман-изланишли, креатив) ни эътиборга олган ҳолда талабаларнинг муайян кредит тўплашига имкон яратиш (improving flexibility);

4. Таълим-тарбия жараёни давомида талабалар мобиллигини кучайтириш, яъни талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг



тизими топшириқларини ДТС (минимал- репродуктив, продуктив даража) ва малака (максимал- қисман-изланишли, креатив) талаблар асосида шакллантирган ҳолда талабаларнинг қизиқиши, эҳтиёжи ва ҳоҳишига кўра муайян кредит тўплашига имкон яратиш (improving student mobility). Куйида ҳар бир тамойил тафсифланади.

**Талаба шахсига йўналтирилган таълимни ташкил этиш**  
Таълим тизимларини одатда икки тоифага бўлиш мумкин: ўқитувчига йўналтирилган ва талаба шахсига йўналтирилган таълим.

Уларни оддий қилиб куйидагича тасвирлаш мумкин: Ўқитувчига йўналтирилган таълим тизимида таълим-тарбия жараёнига ўқитувчи таълимнинг меъёрий ҳужжатлари ўқув дастурларига, дарс жараёнларига қатъий равишда ОТМ, уни назорат қилувчи ташкилот ва ўқитувчи педагогик маҳорати нуқтаи назаридан ёндашилади.

Бу жараёнда аксари ҳолларда ўқитувчининг билим олишнинг ягона манбаи сифатида қаралади, талабалар шу ўқув курси давомида ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни қандай усулда ўрганиши кераклиги масалаларини белгилашда меҳнат бозори вакиллари ва талабаларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, фикрлари кўп ҳам эътиборга олинмайди. Таълим-тарбия жараёни субъект-объект муносабатлар асосида бошқариш ва ташкил этиш анча марказлашган тарзда амалга оширилади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти пассив тингловчи шаклида ташкил этилади. Бу жараёнда талабаларда мустақил фикрлаш, ўз фикрларини ифода этиш, мунозарага киришиш, муаммоларга танқидий ёндашиш, мустақил қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш имконияти чекланади.

Талаба шахсига йўналтирилган таълимни амалга оширишда куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Таълим-тарбия жараёнида талабанинг қизиқиши, фан асосларини ўрганишга бўлган эҳтиёжи, темпераменти ва мотивациясини эътиборга олган тавофулаб ёндашишни амалга ошириш;
2. Ўқув модулининг мазмуни эътиборга олинган ҳолда фанлар интеграцияси ва касбий йўналтириш орқали талабаларнинг баркамоллиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш;
3. Талабаларнинг мустақил билим олиш компетенцияларини таркиб топтириш мақсадида мустақил таълим топшириқларини индуктив ва дедуктив мантикий (bottom up) йўналишда амалга ошириш йўллари белгилаш;
4. Ўқув модулининг мазмуни ва ДТС меъёрларини назарда тутган ҳолда электрон-ахборот ресурсларни тайёрлаш;
5. Таълим-тарбия жараёнида талабанинг ўқув курси давомида ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий



воситалари, жумладан, сунъий интеллектни аниқлаш мақсадида адаптив тест ва ўқув топшириқлардан фойдаланиш орқали талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолашига имкон яратиш;

6. Ўқитувчи бу жараёнда мувофиқлаштирувчи, маслаҳатчи, ташкилотчи, назорат қилиш ва бошқариш функцияларини амалга оширади.

Олий таълим тизимида кредит-модуль тизимини амалга оширишда бири-бири билан узвий боғлиқ бўлган академик кредит ва академик модуль тушунчаларининг мазмун-моҳиятини англаш зарур. Бу ерда профессор-ўқитувчи ўз фанидан талаба тўплаши зарур бўлган кредит сони ва унинг топшириқларини шакллантириш, мунтазам ҳолда маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулоти ва мустақил таълимни мувофиқлаштириши зарур.

**Академик кредит** - олий таълимнинг муайян босқичида ушбу таълим даражасини қўлга киритиш мақсадида талаба томонидан мунтазам равишда тўплаб бориладиган рамзий ўлчов бирлиги. Бу бирлик талаба маълум миқдордаги ўқиш юкмасини бажарганлиги ва муайян ўқиш натижаларини муваффақиятли тарзда эгаллаганлигини англатади

Ўқув дастури мантиқий тугалланган ва якуний хулоса яшаш имконини берадиган қисм-модульларга ажратилади, ҳар бир модуль бўйича талабанинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш учун кредит назорат топшириқлари, уларнинг маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулоти ва мустақил таълим жараёнида тўплаш йўллари аниқлайди. **Академик модуль** - яхлит, муайян ўқув натижаларига эришишга қаратилган, талабанинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг тизими мезонларига эга булган тизимли, изчил ўқиш ва ўрганиш ҳаракатлари жамланмаси. У одатда бир семестр давом этади лекин айрим ҳолларда бир неча соатдан иборат бўлиши ҳам мумкин. ECTS тизимида ҳар бир модуль ўзида муайян миқдордаги кредитларни акс эттиради.

Ўқув модули ўқув режада кўзда тутилган педагогик ва ишлаб чиқариш амалиёти, битирув-лойиха иши ёки магистрлик диссертация иши бўлиши мумкин.

### Назорат саволлари.

1. Биологик фанларни ўқитишда кредит-модуль тизимидан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари юзасидан таҳлилий фикр юритинг.

2. Кредит-модуль тизимида умумий таъриф беринг ва тавсифланг.

3. Биологик фанларни ўқитишда кредит-модуль тизими принципларини амалга ошириш йўллари юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқинг.





4. Биологик фанларни ўқитишда фойдаланиладиган академик кредит ва академик модуль тушунчаларини изоҳланг.

5. Биологик фанларни ўқитишда кредит-модуль тизими ва анъанавий таълим тизимини қиёсланг.

**3-маъруза: Кредит - модуль ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.**

**Режа:**

1. Кредит- модуль ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

2. Кредит-модуль ўқитиш тизимида инновацион технологиялардан фойдаланиш.

Кредит-модуль тизими, бу — ўқитиш жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади.

Мазкур тизимни педагогик жараёнга қўллаш ўқитиш жараёни шакллари: маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулотларини ўқув мақсадлари асосида уйғунлаштириш, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашда рейтинг тизимидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозим. Ушбу жараённи профессор-ўқитувчилар яхлит, узвий ва изчилликда ташкил этиладиган серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараён эканлигини тасаввур қилиши ва лойиҳалаши зарур.

Кредит-модуль тизимида анъанавий ўқитишдан воз кечиш, яъни талабаларни пассив тингловчи сифатида ўқув маълумотларни тайёр ҳолида етказмасдан, балки талабаларни педагогик жараённинг субъекти сифатида мустақил билим олиш қобилиятларини ривожлантириш талаб этилади.

Биологик фанларни ўқитишда профессор-ўқитувчи ўзи ўқитишга мутассади бўлган ўқув курсини шу курсга ажратилган кредит бирлик асосида рейтинг тизими учун талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш учун ўқув топшириқлари ва ностандарт тест топшириқларини тузиши лозим.

Биологик фанларни ўқитишда кредит-модуль тизими қуйидаги дидактик мақсад ва вазифаларни амалга оширади:

— олий таълимни ривожлантириш Концепциясида белгиланган мақсад ва вазифаларга мос ўқув жараёнини ташкил этишни амалга оширади;



— ўқув режадан ўрин олган ҳар бир фан, курснинг талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятида тутган ўрнига мувофиқ кредит бирлигини қийматини аниқлаш;

— рейтинг тизими учун Блум ўқув мақсадларига мувофиқ талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш учун ўқув топшириқлари ва ностандарт тест топшириқларини шакллантириш;

— ўқув фани бўйича билим, кўникма, малака, таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни талабалар томонидан қизиқиши ва эҳтиёжларига мувофиқ тўлиқ ўзлаштирилиши учун ўз ўқув режаларини индивидуал тарзда тузишларига имкон яратиш;

— ўқитиш жараёни шакллари: маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулотларини ўқув мақсадлари асосида уйғунлаштириш, талабаларнинг мустақил таълими ва ишининг нисбатини орттириш, мазкур жараёни режали ва мақсадга мувофиқ ташкил этиш;

— Бўлажак мутахассисларга меҳнат бозорида қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этилиши ва дастурларни оптималлаштиришнинг қулайлиги ва коорекциялаш имконияти мавжудлиги.

Юқоридаги мақсад ва вазифалар профессор-ўқитувчилардан маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабанинг мустақил таълим ва ишига янгича ёндашиш, замон талабидан келиб чиқиб, мутахассиснинг малака талабларидан келиб чиққан ҳолда табалар томонидан билим, кўникма, малака, таянч ва фанга оид хусусий компетенциялар, касбий ва витаген тажрибаларни эгаллаш, уларда табиий-илмий саводхонлик, амалий кўникмаларни шакллантириш натижасида инсон капитали яратишни талаб этади.

Хорижий тажрибага кўра, кредит-модуль тизимида ўқув жараёни ҳар семестрда 2 — 4 тагача модулдан иборат бўлади. Модулда жамланган фанлар осондан мураккаблик сари, назарий-услубий фанлардан амалий фанларга қараб ҳамда мантиқий жиҳатдан бир-бирини ўзаро узвий тўлдириш принципи асосида шакллантирилади. Талаба мутахассис бўлиб шаклланиши учун нафақат ахборотлар, балки уларни қайта ишлаш, амалиётга жорий қила олиш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

Модулга асосланган ўқув дастурлари махсус схема асосида ишлаб чиқилади ва қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:



— Биологик фанларнинг ўқув мақсади ҳамда вазифалари мутахассиснинг келгусидаги педагогик фаолиятда тутган ўрнини тўлиқ ёритилиши;

— Биологик фанлар силабусида талабанинг ўқув курсини бошланиши ва якунлашида эгалланиши лозим бўладиган малакасига қўйиладиган талаблар;

— Биологик фанлар силабусида ўқув курсларини модулга ажратиш, модул таркибига кирган ҳар бир мавзунинг қисқача мазмуни, яъни маъруза мавзулари, семинар ва амалий машғулотларнинг режаси, мустақил таълимни баҳолаш учун мўлжалланган ўқув ва тест топшириқлари;

— Биологик фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган технологиялар-нинг қисқача баёни, талабалар томонидан бажариладиган ўқув топшириқлари, билимларни баҳолашнинг турлари бўлиши лозим.

Модул асосида ўқитиш тизимида талабалар билими, кўникма, малака, таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашда рейтинг баҳолаш тизимидан фойдаланилади. Унда талабанинг барча ўқув фаолияти, яъни аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда олган, ўзлаштирган билимлари балл бериш орқали баҳоланади.

Кредит (средит) — талабанинг алоҳида таълим йўналиши ёки дастури (курс) бўйича фанларни ўқиб ўрганиши ва ўзлаштириши учун сарфланган ўқув юкламасининг (вақтининг) ўлчов бирлигидир. Кредит — талабанинг меъёрий ҳужжат билан белгиланган, одатда бир ҳафта давомида аудиторияда ва мустақил равишда таълим олиши учун ажратилган минимал вақт ўлчовидир. Талабага кредит маълум бир фандан белгиланган топшириқларни бажариб, якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтгандан сўнг берилади.

Ҳар бир талаба келгусида танлаган йўналиши ва мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлиши учун кредитларни йиғиб бориши лозим. Тўпланган кредит талабага бутун умр давомида ўзининг малакасини ошириб бориш ёки қўшимча олий маълумот олишига хизмат қилиб бораверади. Иқтисодий тилда айтганда, тўпланган кредит талабанинг академик “активи”га айланиб боради.

Халқаро ҳамжамият таълим тизимида бир нечта турдаги, жумладан, Америка Қўшма Штатлари кредит тизими Charlz Uilyam Eliot (USCS); Европа мамлакатлари кредит тизими (ECTS); Осиё ва Тинч океани кредит тизими (UCTS); Буюк Британия кредит тизими (CATS) мавжуд. Улар бир-биридан мақсад ва мазмун-моҳияти билан фарқ қилса-да ишлаш механизмида умумийлик мавжуд.



Мазкур кредит технологияси таълим олувчиларга ишчи ўқув режага киритилган танлов фанларини танлаш, бу орқали индивидуал ўқув режасини шакллантиришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини беради. Уларга, нафақат фанларни, балки профессор-ўқитувчиларни ҳам танлаш эркинлиги берилади. Талабаларга фанларни танлаш имкониятининг берилиши ижобий ҳол саналади. Бу ўқув жараёнларини баҳолашнинг ўзига хос қиймат кўрсаткичи бўлиб ҳам ҳисобланади.

Анъанавий ўқитишдан фаркли ўлароқ, кредит тизимида мажбурий фанлардан ташқари танлов фанлари ҳам талабанинг индивидуал иш режасига киритилади. Талабалар ўқишдан ҳайдалмайди ёки курсдан-курсга қолдирилмайди. қайси фан (курс)дан белгиланган кредитларни тўплай олмаса, фақат ўша фаннинг ўзидан қайта имтиҳон топширади, холос. Олий маълумот тўғрисидаги диплом эса белгиланган кредитлар тўплагандан сўнг берилади.

ECTS тизими бўйича талабаларнинг бир йилда тўплаши лозим бўлган кредит миқдори 60 ни ташкил этади. Бир ўқув йили икки семестрдан иборат бўлади деб олсак, талаба ҳар семестрда 30 кредит тўплаб бориши лозим. Бакалаврият дастури 3-4 йиллик бўлса, талаба бакалавр даражасини қўлга киритиши учун жами 180 — 240 кредит, 1-2 йиллик магистратура дастурини тугаллаши учун эса, 60 — 120 кредит тўплаши мажбурият ҳисобланади.

Ҳар бир таълим муассасаси бакалаврият босқичида бир семестрда ўқиш 15 ҳафта ва аттестация учун 6 (бир семестрда 3 ҳафта имтиҳонлар учун ажратилган) ҳафта ажратади. Шунда 4 йилда ўқиш ҳафталари сони 144 тани, аттестациялар 24 ҳафтани ҳамда умумий таътиллар билан ҳисоблаганда жами 204 ҳафтани ташкил этади. Барча таълим йўналиши ва мутахассисликлар ўқув режаларида ҳар бир босқичда фанлар икки қисмга, яъни асосий ва танлов фанларига ажратилган ҳолда акс эттирилмоқда. ECTS талабидан келиб чиқиб, талабага ҳар йили 60 кредитдан 4 йил ичида жами 240 кредитни тўплаш мажбуриятини юклаш режалаштирилади. Шунда талаба 4 йил давомида маъруза, амалий ҳамда лаборатория машғулоти ва имтиҳон жараёнларида иштирок этишига 2880 соат, мустақил таълимга 4320 соат, жами 7200 соат вақт сарфлаши лозим бўлади.

Фараз қилайлик, 1 кредит = 12 академик соат + 18 соат мустақил таълимни ташкил этади. Шу боис 1 кредит 30 соатга тенг деб қаралиб, талабанинг ҳафталик аудитория юкламаси 20 соатга тенг. Малакавий амалиёт учун ажратилган кредит миқдори тегишли фан ёки фанлар ҳисобига амалга оширилиши кўзда тутилган.



Кредит-модул тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган объект томон мустақил ҳаракат қилади. Энг асосийси талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ва фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модул тизимида университет талабалари ҳар доим ўқитувчи ва курсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.


Кредит-модул ўқитиш тизимига ўтиш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбурият ҳамда талабни ҳам оширади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, модулли ўқитиш тизими билан ўқитувчи нафақат ахборот берувчи ва назорат қилувчи функцияларини, балки маслаҳатчи ҳамда мувофиқлаштирувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Педагогик жараёнда ўқитувчининг етакчилик роли сақлаб қолинади.

Кредит-модул ўқитиш тизимига ўтиш ҳорижий ҳамкорлар билан ҳамкорликда ишлаш, талабалар алмашинувининг самарадорлигини орттиради. Чунки битта университетда олинган кредитлар иккинчисида ҳисобга олинади ва талабалар кредит йўқотмасдан бир университетдан - бошқасига ўтиши мумкин. Айнан ушбу тизим талабаларнинг илғор хорижий университетларда ўқишини давом эттиришига ҳамда мураккаб бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга имконият яратади.

Олий таълим муассасаларида талабаларга ўқув курслари ва профессор-ўқитувчиларини танлаш имкониятининг берилиши таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этишни тақоза этади.

Шунингдек, талабаларнинг мустақил таълими ва ишини мақсадга мувофиқ ташкил этилишига аҳамият қаратилиши керак.

## КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОДЕЛИ



Кредит-модуль тизими ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашувни талаб этади. Инновацион ёндашув биологик фанларни ўқитиш шакллари: маъруза, амалий, лаборатория, семинар машғулоти ва мустақил таълимни ташкил этишда локал ва хусусий методик даражадаги технологиялардан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради.

Олийтаълим муассасаларида биологик фанлардан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида локал даражада қўлланиладиган педагогик технологиялар жумладан “Инсерт”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Ақлий ҳужум”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Кейс стади”, “Атамалар занжири”, “Атамалар варағи” фойдаланиш тавсия этилади.

Мазкур технологиялар машғулоти бир қисми, яъни талабаларнинг ўтган мавзу бўйича ўзлаштирган билимларини аниқлаш, талабаларнинг ўқув мотивларини фаоллаштириш ёки мавзунини умумлаштириш ва хулоса ясашда фойдаланиш мумкин.

Олий ўқув юртида ўқитиладиган барча фанлар каби биологик фанларни ўқитиш ва таълим самарадорлигини орттиришда педагогик технологияларнинг ўрни муҳим саналади.

Дидактик адабиётларнинг таҳлили, таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялар уч хил: умумий дидактик, хусусий методик ва локал даражада қўлланишини кўрсатди.

Маълумки, умумий дидактик даража – педагогик технологияларнинг концептуал асослари, таълим-тарбия жараёнига қўллаш принциплари, ўзига хос хусусиятлари, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш йўллари ёритилади. Ушбу даража асосан, профессор-ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантиришда қўлланилади, яъни педагогик кадрларни таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига замин тайёрлайди.

Биологик фанларни ўқитишда педагогик технологиялар икки хил: хусусий методик ва локал даражада қўлланилади:

1. Биологик фанлар курси мазмунининг ўзига хос хусусиятлари асосида хусусий методик даражада қўлланиладиган педагогик технологиялар аниқланади ва мазкур технологиялар курсининг мақсади, вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади. Хусусий методик даражада қўлланиладиган педагогик технологиялар асосан янги мавзунини ўрганишда фойдаланилади. Хусусий методик даражада қўлланиладиган педагогик технологиялар жумласига дидактик ўйин, муаммоли таълим, модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳалаш технологиялари киради.

2. Биологик фанларни ўқитиш жараёнида машғулотнинг муайян бир қисмида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадида локал (модул) даражадаги технологиялардан фойдаланилади.

Биологик фанларни ўқитиш жараёнига киритилган ҳар қандай ўзгариш талабаларнинг билиш фаолиятининг ўзгаришига олиб келади. Талабалар педагогик технологияларнинг талабларига мослашиши учун, яъни муайян кўникмаларни эгаллашлари учун таълим-тарбия жараёнида дастлаб педагогик технологиялардан локал даражада фойдаланиш керак.

Локал даражада қўлланилган педагогик технологиялар ўз самарасини бергандан сўнг, хусусий методик даражада фойдаланишга ўтиш мақсадга мувофиқ.

Олий таълимда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялар ахборот технологиялари билан уйғунлаштириш долзарб муаммо саналади. Шу сабабли ахборот технологияларидан фойдаланиш учун унинг дидактик функцияларини аниқлаш зарурути вужудга келди.

Маълумки, ахборот технологиялари таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялар билан уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилганда кўзланган самарани беради. Мазкур жараёнда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини уйғунлаштиришда ахборот технологияларининг ахборот, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, кўргазмалилик, талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва қизиқишини орттириш каби функциялари асос қилиб олинди.

Ахборот технологияларининг юқорида қайд этилган функцияларини замонавий педагогик технологияларга асосланган машғулотларда амалга ошириш имкониятлари жадвал тарзида берилди.

**Биологик фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологиялари билан уйғунлаштириш имкониятлари**

Педагогик технологияларнинг номи ва уларнинг турлари	Ахборот технологияларининг функциялари				
	Ахборот манбаи	Билиш фаолиятини ташкил этиш	Кўргазмалилик	Назорат қилиш ва баҳолаш	Қизиқишини орттириш
Дидактик ўйин технологияси:					
Конференция	+	-	+	+	+





Тақдимот	-	-	+	+	+
Ижодий ўйин	+	+	+	+	+
Ўйин машқ	-	+	+	+	+
Модулли таълим технологияси:					
Якка тартибда иш-лашга мўлжалланган;	+	+	+	+	+
Икки талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган;	+	+	+	+	+
Кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган модуль дастурлари.	+	+	+	+	+
Ҳамкорликда ўқитиш технологияси:					
Командада ўқитиш методи	+	+	+	+	+
«арра» ёки «зигзаг» методи	+	-	+	+	+
Кичик гуруҳларда ўқитиш методи	+	+	+	+	+
Муаммоли таълим технологияси					
Ақлий ҳужум	+	-	+	+	+
Кейс	+	-	+	+	+

Жадвалдан кўришиб турибдики, биологик фанларни ўқитишда дидактик ўйин технологиясига асосланган конференция машғулотларида талабаларнинг билиш фаолияти ўйин сюжети ва қондасига биноан ташкил этилиши ва бошқарилиши сабабли, ахборот технологияларининг ахборот, кўргазмалилик, талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва қизиқишини орттириш каби функцияларни амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, дидактик ўйин технологиясига мансуб ижодий ўйин, ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда ўқитиш,



командада ўқитиш методлари ва модулли таълим технологиясининг барча дастурларидан фойдаланилган машғулотларда ахборот технологияларининг юқорида қайд этилган функцияларини тўлиқ амалга ошириш имконияти мавжудлиги, дидактик ўйин технологиясига мансуб конференция, тақдимотга асосланган машғулотларда, шунингдек, ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг «арра» методи, муаммоли таълим технологиясининг «ақлий ҳужум»идан фойдаланилган машғулотларда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, ўйин машқларда ахборот манбаи функцияларини амалга ошириш имконияти йўқлиги маълум бўлди.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш учун муайян методик билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим.

Ўқитувчи машғулотда ўрганиладиган мавзу мазмунига мувофиқ ҳолда юқорида қайд этилган педагогик технологиялардан локаль ёки хусусий методик даражада фойдаланишни аниқлаши, машғулот давомида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллариини технологик хариталар асосида белгилаши, машғулотнинг дидактик мақсадларини эътиборга олган ҳолда талабаларга қўйиладиган ўқув мақсадларини шакллантириши, олинган натижаларни таҳлил қилиши ва таълим-тарбия жараёнига олинган натижага мувофиқ муайян ўзгартиришлар киритиши зарур.

Машғулотларни ташкил этишда ўқитувчи дидактикада ишлаб чиқилган таълим мазмуни, ўқитиш методлари ва воситаларининг узвийлиги принципига амал қилиши, фанлар бўйича тузиладиган ўқув-методик мажмуада ва мавзули режада педагогик технологияларнинг қайси туридан фойдаланишини ўқув йили бошидан белгилаши мақсадга мувофиқ.

### **Назорат саволлари.**

1. Биологик фанларни ўқитишда кредит-модуль тизимидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан таҳлилий фикр юритинг.
2. Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган кредит-модуль тизимига асосланган моделни изоҳланг.
3. Биологик фанларни ўқитишда кредит-модуль тизимида фойдаланиладиган локаль даражадаги технологияларни тавсифланг.
4. Биологик фанларни ўқитишда кредит-модуль тизимида фойдаланиладиган хусусий методик даражадаги технологияларни тавсифланг.

**4-майруза: Кредит-модуль тизимида халқаро баҳолаш дастурларини амалга қўллаш.**

**Режа:**

1. Кредит-модуль тизимида Халқаро баҳолаш дастурларини амалга ошириш йўллари.
2. Халқаро баҳолаш дастурларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8 декабрь 2018 йилда қабул қилинган 997-сонли “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини амалга ошириш, олий таълим тизимида талабаларининг педагогик фаолиятга тайёрлаш, замон талабларига мослаштиришда Халқаро баҳолаш дастурлари талабларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Биологик фанларни ўқитишда Халқаро баҳолаш дастурларининг талабларини амалга оширишга эътибор қаратиш лозим.

“Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга мувофиқ Республика халқ таълими тизимида қуйидаги дастурлар амалиётга жорий этилмоқда.

**ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА МОҲИЯТИ**

<b>4-ДАРАЖА</b>	<b>ПЕДАГОГИК КАДРЛАР УЧУН TALIS - TEACHING AND LEARNING INTERNATIONAL SURVEY-ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ СИФАТИНИ ХАЛ-ҚАРО ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИГА АСОСЛАНГАН ТАДҚИҚОТ</b>
<b>3-ДАРАЖА</b>	<b>1-7 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН PISA - PROGRAMME FOR INTERNATIONAL STUDENT ASSESMENT-15 ЁШЛИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚИШ, МАТЕМАТИКА ВА ТАБИИЙ ЙўНАЛИШДАГИ ФАНЛАРДАН САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШГА МўЛЖАЛЛАНГАН</b>



<b>2-ДАРАЖА</b>	<p><b>1-4 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН TIMSS - THE TRENDS IN INTERNATIONAL MATHEMATICS AND SCIENCE STUDY</b>  <b>ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАТЕМАТИКА ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ СИФАТИНИ ХАЛҚАРО МОНИТОРИНГЛАШ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ</b></p>
<b>1-ДАРАЖА</b>	<p><b>1-4 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН PIRLS - PROGRESS IN INTERNATIONAL READING AND LITERACY STUDY</b>  <b>ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАТНИИ ЎҚИШ ВА ТУШУНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН.</b></p>

Қарорда қайд этилган халқаро баҳолаш дастурлари бўйича олиб бориладиган **халқаро тадқиқотлардан** бири Progress in International Reading and Literacy Study (PIRLS) саналади. Мазкур баҳолаш дастури бошланғич мактабнинг 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш учун татбиқ этилади.

PIRLS тадқиқотларида жаҳондаги 50 дан ортиқ давлатлар иштирок этиб келмоқда. Мазкур халқаро тадқиқотнинг мақсади турли хил таълим тизимидан иборат бўлган давлатлардаги бошланғич мактаб ўқувчиларининг матнни ўқиш ва қабул қилиш бўйича тайёргарлиги ҳамда ўқувчиларнинг ҳар хил ютуқларга эришишга сабаб бўлувчи таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Албатта бундай тадқиқот халқ таълими соҳасидаги ишчилар, олимлар, методистлар, ўқитувчилар, оналар ва жамоат вакиллари учун катта аҳамиятга эгадир.

—Саводхонлик сўзи ўқувчиларнинг келажакда ўз режаларини амалга оширишда, яъни билим олишни давом эттириш, меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўриш, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатда иштирок этишда асосий воситаси сифатида саводхонларча ўқиш кўникмасини эгаллашдаги муваффақиятини англатади.

Тушунчанинг моҳиятини англатувчи белгилари англаш, таҳлил қилиш, фикрлаш, мушоҳада юритиш, ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

—Ёзма матн деганда босма, қўлда ёзилган, дисплейда тасвирланган, табиий тил ишлатилган матнлар назарда тутилади. Бундай матнлар диаграмма, расмлар, карта, жадваллар, графика кўринишидаги визуал тасвирлардан иборат бўлиши мумкин. Фильмлар, телетасвирлар, мультипликациялар, сўзсиз расмларни киритиш бундан мустасно, чунки улар идрок этишнинг бошқача йўлини талаб қилади. Визуал тасвирлар киритилганда матнларни яхлит (бундай тасвирларсиз) ва яхлит бўлмаган (тасвирлар билан) матнларга бўлиш мумкин.

Шу билан бирга, визуал тасвирлар (визуал матнлар) алоҳида мустақил тарзда берилиши ҳам мумкин.



Матнларнинг турлари

Матнларни мукамал даражада тоифаларга ажратиб бўлмайди.

Тадқиқот

мақсадлари учун матнларнинг қуйидаги умумий хусусиятлари жуда муҳим деб топилган:

- баённинг равонлиги ва изчиллиги;
- уларнинг реаллиги;
- фактларни таҳлил қилмай тавсифланиши (илмий, амалий ва бошқа матнлар) ва тўқималиги;
- бадийлиги (бадий публицистик ва бошқа матнлар) уларнинг яхлит ва нояхлит хусусияти.

Тадқиқотда матнларнинг барча турларидан жумладан, ҳеч бир категорияга мос келмайдиган матнлардан фойдаланилади.

Ўқувчиларнинг ҳар хил турдаги матнларни ўқиш қобилиятидаги фарқларни аниқлаш тадқиқотнинг мақсад вазифасига кирмайди. Тадқиқотдан мақсад ўқувчиларга ўқиб тушуниши учун ҳаётда кўпроқ ишлатиладиган матнларни таклиф қилиш билан улар учун умумий ва аҳамиятли бўлган натижаларни аниқлашдир.

Тадқиқотга асос қилиб олинган матнларнинг умумий қисқача таснифи

Яхлит матнлар:

- Тасвирлаш (баён) бадий ва техникавий топшириқлар 13%
- Ҳикоя қилиб бериш (ҳикоя, ҳисобот, репортаж) 22%
- Тушунтириш (тушунтириб берадиган, иншо, таърифлаш, изоҳлаш, қисқа хулоса (резюме), шарҳлаш (интерпретация) 13%
- Далиллаш (комментарий, илмий асослаш) 13%
- Инструкция – қўлланма (ишни бажариш учун кўрсатма, қоидалар, уставлар, қонунлар) 5%

Яхлит бўлмаган матнлар:

- Графиклар –11%
- Диаграммалар –3%
- Жадваллар –11%
- Карталар –3%
- Ҳужжат намуналари – (солиқ ҳужжатлари, ташриф қоғозлари, анкеталар) –3%
- Ахборот қоғозлари ва эълонлар 2%

Саводхонликни баҳолашда қуйидаги беш жиҳатни ҳисобга олинади:

- 1) Матн мазмунининг умумий ориентацияси ва унинг мантиқий бутунлигини тушуниш (20% топшириқлар).
- 2) Маълумотларни аниқлаш (20%)
- 3) Матнни шарҳлаш, изоҳлаш (30%)
- 4) Матн мазмунини таҳлил қилиш, мушоҳада юритиш (15%)
- 5) Матннинг услуби устида фикр юритиш (15%)

Ўқиш саводхонлигининг барча жиҳатлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ.



Иккинчи жиҳатининг муваффақиятли адо этилиши биринчисининг тўғри бажарилишига боғлиқ. Матнни тўлиқ тушуниш ўқувчиларни ҳар бир жиҳат бўйича чуқур билимга эгалик даражасини кўзда тутади.

Матн мазмунини нимага қаратилганлигини аниқлаш ва унинг маъно бутунлигини тушуниш учун бош мавзунини умумий мақсадини ёки матндан кўзланган мақсад нималигини аниқлаш лозим. Бунинг учун ўқувчининг ўзига матнга сарлавҳа ўйлаб топиш, матннинг умумий маъносини англаш тезис тузиш, матнда кўрсатилган йўл-йўриқлар тартибини тушунтириш, график ёки жадвалларнинг асосий таркибий қисмлари нималардан иборатлигини аниқлаш, карта ёки расмнинг мақсадини аниқлаш каби вазифалар берилади.

Умуман матнни тушунган-тушунмаганини аниқлашга қаратилган топшириқлар ўқувчиларга матннинг бир қисми ва савол кўринишидаги умумий ғояси ўртасидаги мосликни, матн қисми ва муаллиф томонидан берилган ўзига хос изоҳ ўртасидаги мосликни аниқлаш учун берилиши мумкин.

Матн ғоясининг берилган таърифлар орасидан умумийроғи, асосийроғини танлашни таклиф қилиш ўқувчининг асосий ғояни иккинчи даражасидан ажрата олиш маҳоратини кўрсатади.

Топшириқларни бажариш учун ўқувчи матннинг тузилиши, жанр хусусиятлари ҳақидаги билимга, матндаги истеҳзо, юмор сўз ифодаланган маъно нозикликларини пайқаш, муаллиф фикрини англаши ва тасвирланган воқеа ҳодисага муаллиф берган баҳони фарқлай олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Матн услубини англашни кўрсатадиган топшириқлар иш фаолиятининг айнан танқидий таҳлил, тасвирнинг муаллиф ўйлаган ғояга мослиги ёки матннинг услубий шарҳ сифатида ўз мақсадига мослигини баҳолаш ва бошқа усуллари кучайтиради.

—Саводхонлик атамаси айнан ўқувчиларнинг олган билимларини кундалик ҳаётга тадбиқ эта олиш маҳоратини таъкидлаш учун қўлланилади.

Масалан, функционал ўқиш (хизматга, ишга оид) деганда ўқувчининг маълумот олиши ва уни баҳолаш маҳорати, диаграммаларни ўқиш, матндаги боғлиқликларни (алоқани) топиш, изоҳлаш, шарҳлаш, хулоса чиқариш маҳорати назарда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда, PIRLS - Progress in International Reading and Literacy Study - бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолашга мўлжалланган. Мазкур халқаро дастур бошланғич синфларда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ўқилган матнни тушуниши, уни шарҳлаши, мустақил ҳаётда тўғри қарорлар қабул қилиши орқали таълимнинг кейинги босқичида ўқишни муваффақиятли давом эттиришга замин тайёрлайди.

Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаётган мамлакатимиз сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, фан, техника, технологиялар ва ижтимоий ривожланишнинг барча соҳаларида қўлга киритаётган ютуқлари билан дунё



халқларининг эътиборини тортмоқда ва эътироф этилмоқда. Ижтимоий соҳада устувор йўналиш саналган таълим тизимини ҳам ўз навбатида муайян даражада модернизациялаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 8 декабрь 2018 йилда қабул қилинган 997-сонли “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори таълим тизимини модернизациялаш, таълим сифати ва самарадорлигини орттиришни назарда тутди.

Мазкур қарорда узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини баҳолашни бугунги кун талабларига мослаштириш, ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантириш, халқаро баҳолаш дастурларини педагогик амалиётда қўллаш инновацион метод ва технологияларини ишлаб чиқиш, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги таълим муассасалари билан таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш, таълим сифатини баҳолаш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, мазкур тадқиқотларни илмий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, умумий ўрта таълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш, олинган натижаларни бошқа давлатлар натижалари билан қиёсий таққослаш, халқаро баҳолаш дастурларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш, ушбу соҳадаги илғор тажрибани оммалаштириш ва унинг асосида таълим муассасалари учун тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш, ўқитишнинг инновацион усулларида фойдаланган ҳолда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий тавсиялар тайёрлаш каби вазифалар белгиланган.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш таълим хизматлари сифатини орттириш, таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш, таълим сифати кўрсаткичи бўйича юқори даражани эгаллаш мақсадида ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда иштирок этиши, стратегик жиҳатдан жуда кўп ва кенг қўламдаги долзарб муаммоларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради.

TIMSS - The Trends in International Mathematics and Science Study-математика ва табиий фанларни ўзлаштириш сифатини Халқаро мониторинглаш ва баҳолаш тизими IEA ўқитиш натижаларини баҳолашнинг халқаро ассоциацияси томонидан ташкил этилган. Бу тадқиқот ўқувчиларнинг математик ва табиий фанлар бўйича бошланғич мактабнинг 4 синфи ва таянч мактабнинг 8 синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасини дунёнинг турли мамлакатларида қиёсий ўрганишни мақсад қилиб қўйган ва

олинган натижаларга мувофиқ ҳар бир мамлакатнинг таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва ютуқларини эътироф этади.

TIMSS халқаро баҳолаш тизимининг асосий мақсади ҳар тўрт йилда бошланғич мактабнинг 4 синфи ва таянч мактабнинг 8 синф ўқувчиларининг математик ва табиий фанлар бўйича ўзлаштириш даражасини нафақат билим, кўникма ва малакаларини, балки шу фанларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиши ва мотивациясининг ортиш даражасини тадқиқ этади. Тадқиқотнинг эътиборга молик томони ўқувчиларнинг 4 йил давомида 4 синф ўқувчилари 8 синфда таҳсил олаётган даврида такроран тадқиқ этилишидан олинган натижалар ўқувчиларнинг кейинги юқори синфларда ўқишни муваффақиятли давом эттириши прогноз қилинади.

Халқаро баҳолаш дастури PISA - Programme for International Student Assessment – Республикамизнинг 15 ёшли ўқувчиларининг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга мўлжалланган бўлиб, у ўқувчиларнинг математик ва табиий фанлардан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаёти ва муаммоли вазиятларда муваффақиятли қўллаш даражасини тадқиқ этишни назарда тутди. Қуйида PISA - Programme for International Student Assessment Халқаро баҳолаш дастури мезонлари берилмоқда. Мазкур мезон ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини 6 даражада 1000 балли тизимда баҳоланади.

Мазкур мезонлар Б. Блум ўқув мақсадлари таксономиясига мос ишлаб чиқилди.

### **PISA - PROGRAMME FOR INTERNATIONAL STUDENT ASSESMENT МЕЗОНЛАРИ БОСҚИЧЛАРИ**

Даража	Даражанинг пастки чегараси	Ушбу даражани эгаллаган ўқувчилар томонидан табиий-илмий саводхонлик бўйича намоёиш этадиган билим, кўникма, малака ва компетенциялар
1 даража	335	1 даражани эгаллаган ўқувчилар: Оддий илмий ҳодисаларни тушунтиришда кундалик мазмунга эга таянч билимлардан фойдаланиши; Иккитадан ортиқ бўлмаган объектлар берилган кўрсатмага мувофиқ тадқиқот элементларини ўтказиши; Тасвирий ва визуал маълумотлардаги паст даражадаги кўникма талаб этиладиган оддий сабаб оқибат ёки корреляцион боғланишларни аниқлаши, шарҳлаши; Таниш вазиятдаги шахсий, маҳаллий ва глобал контекстга таалукли бўлган муаммони илмий тушунтириш учун берилган жавобларни танлаши керак.

**БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИНING БИЛИШ ЎҚУВ МАҚСАДИГА ЭРИШГАНЛИКНИ АНИҚЛАЙДИ.**





Даража	Даража-нинг пастки чегараси	Ушбу даражани эгаллаган ўқувчилар томонидан табиий-илмий саводхонлик бўйича намоёиш этадиган билим, кўникма, малака ва компетенциялар
2 даража	410	2 даражани эгаллаган ўқувчилар: Кундалик мазмундаги ва таянч усулларга таянган ҳолда маълумотларни илмий тушунтириш ва шарҳлаш, оддий тажриба орқали ҳал этиладиган муаммоларни билиши; Оддий маълумотлар тўпламидан табиий илмий билимларига таянган ҳолда адекват ҳолдаги хулоса чиқара олиши; Табиий илмий методлар воситасида ўрганиладиган саволларни таниш орқали таянч билишга доир кўникмаларини намоёиш қилиши керак.
<b>БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИНИНГ БИЛИШ ВА ТУШУНИШ ЎҚУВ МАҚСАДИГА ЭРИШГАНЛИКНИ АНИҚЛАЙДИ.</b>		
Даража	Даража-нинг пастки чегараси	Ушбу даражани эгаллаган ўқувчилар томонидан табиий-илмий саводхонлик бўйича намоёиш этадиган билим, кўникма, малака ва компетенциялар
3 даража	484	3 даражани эгаллаган ўқувчилар: Таниш вазиятдаги объектларнинг тузилишини тушунтириш ва аниқлашда унча мураккаб бўлмаган билимларга таяниши; Калит сўзларда фойдаланган ҳолда яхши таниш бўлмаган ёки бирмунча мураккаб вазиятларни тушунтириши; Билимларнинг баъзи элементларига таянган ҳолда муайян масалаларни қамраб олган оддий тажрибаларни ўтказиши; Илмий ва илмий асосланмаган саволлар ўртасидаги фарқни аниқлай олиши ва илмий хулосалаш учун далиллар келтириши керак.
<b>БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИНИНГ БИЛИШ, ТУШУНИШ ВА АМАЛДА ҚЎЛЛАШ ЎҚУВ МАҚСАДИГА ЭРИШГАНЛИКНИ АНИҚЛАЙДИ.</b>		
Даража	Даража-нинг пастки чегараси	Ушбу даражани эгаллаган ўқувчилар томонидан табиий-илмий саводхонлик бўйича намоёиш этадиган билим, кўникма, малака ва компетенциялар

4 даража	559	<p>4 даражани эгаллаган ўқувчилар:          Етарли даражадаги мураккаб ёки янги вазият ва жараёнларни тушунтириш учун етарли даражадаги мураккаб ёки абстракт билимлардан фойдаланиши;          Икки ва ундан ортиқ мустақил объектлар устида муайян масалаларни қамраб олган тажрибаларни ўтказиши, билиш методлари ва усулларига таянган ҳолда тажриба ўтказиш режасини асослаши;          Унча мураккаб бўлмаган ёки таниш бўлган маълумотларни шарҳлаши, маълумотларни таҳлил қилиш натижасида келиб чиқадиган хулоса ясай олиши ва ўз хулосаларини асослаши лозим.</p>
<p><b>БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИНИНГ БИЛИШ, ТУШУНИШ, АМАЛДА ҚЎЛЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ЎҚУВ МАҚСАДИГА ЭРИШГАНЛИКНИ АНИҚЛАЙДИ.</b></p>		
Даража	Даража-нинг пастки чегараси	<p>Ушбу даражани эгаллаган ўқувчилар томонидан табиий-илмий саводхонлик бўйича намоиш этадиган билим, кўникма, малака ва компетенциялар</p>
5 даража	633	<p>5 даражани эгаллаган ўқувчилар:          Мазмунида бир нечта сабаб-оқибат боғланишлар жамланган ўқувчиларга нотаниш, оғирлик даражаси мураккаб бўлган, мажмуали, ҳодиса, воқеа ва жараёнлар тўғрисидаги топшириқни табиий-илмий ғоя, қонуният ва тушунчалардан фойдаланиб абстракт ҳолда тушунтириши;          Эксперимент ўтказишнинг турли усулларини шарҳ ва баҳолаш учун илмий билишга оид мураккаб билимларни қўллаши ва ўз танловини асослаши, ахборотни шарҳлаш ва фаразларни шакллантиришда назарий билимларни қўллаши;          Берилган топшириқ юзасидан тадқиқот ўтказишнинг турли усулларини илмий нуқтаи назардан баҳолаш ва фактларни шарҳлашда маълумотларнинг чекланганлигини аниқлаш, ахборотдаги илмий далилларнинг хато ва ноаниқликларни аниқлаши лозим.</p>
<p><b>БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИНИНГ БИЛИШ, ТУШУНИШ, АМАЛДА ҚЎЛЛАШ, ТАҲЛИЛ ВА СИНТЕЗ ЎҚУВ МАҚСАДИГА ЭРИШГАНЛИКНИ АНИҚЛАЙДИ.</b></p>		
Даража	Даража-нинг пастки чегараси	<p>Ушбу даражани эгаллаган ўқувчилар томонидан табиий-илмий саводхонлик бўйича намоиш этадиган билим, кўникма, малака ва компетенциялар</p>

6 даража	708-1000 балл	<p>6 даражани эгаллаган ўқувчилар:  Мазмунан нисбий бўлган янги ҳодиса, воқеа ва жараёнлар тўғрисида гипотезани шакллантириш ёки башоратлашда физика, биология, география ва астрономия соҳаларида ўзаро алоқадор бўлган табиий-илмий ғоя, қонуният ва тушунчалардан мазмуни, процедура ва илмий билиш методларига асосланиши;  Фактлар ва илмий далилларни шарҳлашда мавзуга доир ва доир бўлмаган ахборотларни фарқлай олиши, мактаб дастуридан ташқари ўзлаштирган билимларини мустақил қўллай олиши ва мазкур билимларга таяниши;  Илмий фактлар ва назарияларга асосланган фикрларни бошқа манбаларга асосланган фикрлардан ажрата олиши;  Мураккаб эксперимент ва тадқиқотларни ўтказиш, компьютерда моделлаштирилган тизимнинг муқобил вариантини тақлиф этган ҳолда баҳолаши ва ўз танловини асослаши муқобил лозим.</p>
<p><b>БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИНИНГ БИЛИШ, ТУШУНИШ, АМАЛДА ҚЎЛЛАШ,ТАҲЛИЛ, СИНТЕЗ ВА ХУЛОСА ЎҚУВ МАҚСАДИГА ЭРИШГАНЛИКНИ АНИҚЛАЙДИ.</b></p>		

Тадқиқотнинг предмети ўқувчиларда умумий, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини фанлар интеграцияси ва ҳаётда учрайдиган муаммоли вазиятларни ҳал этишга қаратилган мегакомпетенцияга асосланган ўқув ва тест топшириқлари воситасида аниқлаш саналади.

Тадқиқотнинг асосий объекти эса, дунёдаги турли мамлакатларнинг таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни умумий хусусиятга эгаллиги эътиборга олинган ҳолда ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг ижтимоий муҳитга мослашиши, турли манбалар воситасида ўқувчиларнинг мустақил билим олиш фаолиятининг ривожланганлик даражасини ўрганишни назарда тутди.

TALIS - Teaching and Learning International Survey – нималарни тадқиқ этади?

TALIS – турли мамлакатларда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг халқаро қиёсий таҳлиliga асосланган тадқиқот бўлиб, Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан таъсис этилган. Мазкур дастур қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

- Мактабда педагогик фаолият юритаётган ўқитувчилар ва таълим муассасалари раҳбарларини таълим-тарбия жараёнини таҳлил этишга йўналтириш, таълим сиёсатининг асосий аспекти бўйича таълим сифати кўрсаткичларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- Халқаро консорциум, ўқитувчилар ассоциацияси, мамлакатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш;



- Анкета саволларига ёзилган жавобларни таҳлил этиш, таълим сифати кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш, фойдаланилмаётган ресурсларни белгилаш, улар юзасидан тақдимот, кўрсатма ва ҳисоботлар тайёрлаш;

- Халқаро ва миллий таълим тизимини ривожлантириш юзасидан ахборот танқислигининг олдини олиш, маълумотлар базаси ва дастурий таъминотини тайёрлаш, таълим тизими амалиётида ўқитиш шароитлари ва сифати, ўқитиш жараёни самарадорлигига ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлик даражасининг таъсири юзасидан мезонлар ишлаб чиқиш.

Мазкур халқаро баҳолаш дастурлари Республикамиз таълим тизимини мазмунан янгилаш, инновацион таълим муҳитини яратиш, таълим сифатини орттиришни талаб этади ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради:

- Педагогик кадр тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичи ўқув режасига халқаро ва миллий таълим тизимини ривожлантириш парадигмалари билан таништириш, ўқитишни халқаро баҳолаш дастурлари талабларини амалга оширишга замин тайёрлайдиган ўқув курсларини киритиш;

- Олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари, илмий изланувчиларни халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларнинг муаммолари юзасидан илмий изланишларга мақсадли жалб этиш;

- Халқаро баҳолаш дастурлари PIRLS TIMSS ва PISA талаблари асосида ўқиш, ўзбек тили ва адабиёти, математика ва табиий ўқув фанлари бўйича ўқув ва ностандарт адаптив топшириқларини шакллантириш, ўқувчиларнинг мустақил иш дафтарларини босма шаклда ва модулли ўқитиш тизимига асосланган электрон вариантини тайёрлаш ахборот технологиялари воситасида баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш;

- Халқаро баҳолаш тизими TALIS (Teaching and Learning International Survey) талаблари асосида педагог кадрларнинг касбий компетентлигини аниқлаш учун кваллиметрик диагностика анкета сўровномасини тайёрлаш ва on-line тизими воситасида аниқлаш;

- Педагог кадрлар томонидан ўзининг касбий компетентлигини мустақил назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш имконини берадиган кваллиметрик диагностика топшириқларидан иборат методик ва электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш зарур;

Узлуксиз таълим тизими олдида қўйилган муҳим вазифалардан бири таълим-тарбия жараёнида инновацион муҳитни яратиш саналади.

Аввало, инновация сўзининг маъносини таҳлил қилиш лозим.

Инновация-инглизча сўздан олинган бўлиб, ин-киритиш, новация янгилик деган маънони беради.

Ўқитишда инновацион муҳитни яратиш ўқитувчидан кўп қиррали изланиш ва амалий фаолиятни талаб этади.

Республикамизда узлуксиз таълимни жорий этиш жараёнида таълим мазмуни янгиланди, ўқув дастурлари ва ўқув фанлари бўйича ДТС модернизацияланди. Ушбу жараён таълим-тарбия жараёнининг бошқа таркибий қисмлари: ўқитиш методлари, воситалари ва шакллари инновация киритиш орқали модернизациялашни талаб этмоқда.

Замон билан ҳамнафас педагогик фаолият юритаётган модератор ўқитувчилар юқорида қайд этилган талабларга монанд ҳолда ўқитишда интерфаол методлар, педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш бўйича дастлабки тажрибаларни эгалламоқда.

Талабаларнинг *Блум таксономияси бўйича* билиш ўқув мақсадига эришганлигини назорат қилишда улар томонидан муайян мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун талаба мавзу бўйича объектларни аниқлаши, уларга таъриф бериши, маълумотларни қайта ишлашлари, ўз фикрини баён этиши, муайян жараён, объект ёки воқеанинг моҳиятини тушунтириши, мазкур жараён, объект ёки воқеанинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш кўрсатиши керак бўлади.

Ушбу фикрларни стандарт ўқув ва тест топшириғи билан амалга ошириб бўлмайди, билиш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини аниқлашда куйидаги **расм** ва **кўп жавобли ностандарт тестлардан** фойдаланиш тавсия этилади.

### Назорат саволлари.

1. Кредит-модуль тизимидан фойдаланилганда Халқаро баҳолаш дастурларини амалга ошириш йўллари юзасидан таҳлилий фикр юритинг.

2. PIRLS - Progress in International Reading and Literacy Study - бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолашга мўлжалланган дастурнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

3. TIMSS - The Trends in International Mathematics and Science Study- математика ва табиий фанларни ўзлаштириш сифатини Халқаро мониторинглаш ва баҳолашга мўлжалланган дастурнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

4. PISA - Programme for International Student Assessment Халқаро баҳолаш дастурининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

5. TALIS - Teaching and Learning International Survey – Халқаро баҳолаш дастурининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.



**5-маъруза: Халқаро баҳолаш дастурлари талабларини маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларнинг мазмунан ва идентив ўқув мақсадларига мувофиқ узвийлигини таъминлаш.**

**Режа:**

1. Биология маъруза машғулотида Халқаро баҳолаш дастурлари талабларини амалга ошириш йўллари.
2. Биология лаборатория машғулотида Халқаро баҳолаш дастурлари талабларини амалга ошириш йўллари.
3. Биология амалий машғулотида Халқаро баҳолаш дастурлари талабларини амалга ошириш йўллари.
4. Мазкур машғулотларида идентив ўқув мақсадларига мувофиқ узвийлигини таъминлаш.

Кредит-модуль тизими қўлланилган ҳолда биологик фанларни ўқитишда фойдаланиладиган маърузанинг мазмуни, моҳияти ва функцияларини аниқлаш муҳим саналади.

Маъруза – у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш саналади.

Маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялаш функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маърузанинг йўналтирувчи функциясида талабаларнинг диққати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

Маърузанинг ахборот бериш функцияси асосий илмий фактлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини очишда ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Маърузанинг методологик функциясини қўллаш тадқиқот методларини қиёслаш, чоғиштиришга, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради.

Маърузанинг тарбиявий функцияси маъруза жараёнида ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини



ўстириш, мантикий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Биологик фанларни ўқитишда фойдаланиладиган маърузада ўрганилиши белгиланган мавзунинг ўқув дастурида тутган ўрни, мақсади, вазифаларига кўра: кириш, муаммоли, мавзули, умумлаштирувчи маърузаларга бўлинади

Шунга кўра унда фойдаланиладиган педагогик технологиялар турлича бўлади.

Анъанавий технологияга асосланган маъруза ҳозирги пайтгача қисқа вақтда катта ҳажмдаги илмий-назарий маълумотларни кенг аудиториядаги кўп сонли талабаларга етказиш имкониятини мавжудлиги билан ўз қимматини йўқотмаган.

Мазкур машғулот турининг асосий камчилиги талабаларга ахборотнинг тайёр ҳолида етказилиши, талабаларнинг билиш фаолияти пассив тингловчи сифатида ташкил этилиши саналади.

Лекин, олий ўқув юртларида ўқитиладиган Биологик фанларни ўқитишда маъруза жуда қўл келади, фақат юқорида қайд этилган камчиликларга барҳам бериш учун маърузанинг боришига муайян ўзгартиришлар киритиш тавсия этилади.

Мазкур ўзгартириш маърузада талабаларнинг билиш ва ўқитувчининг педагогик фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этилиши билан боғлиқ.

Анъанавий таълимга асосланган маъруза билан педагогик технологияларга асосланган маърузанинг бориши, талабаларнинг билиш ва ўқитувчининг педагогик фаолиятини қиёсий тавсифлашда ушбу ўзгартиришларни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин.

Жадвалдан кўришиб турибдики, маърузада ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда ўқитиш методидан фойдаланилганда машғулотнинг муайян қисми яъни, қизиқарли аналогиялар, фактлардан фойдаланиш, фанлараро боғланишни, ўрганиладиган мавзу мазмунининг келгуси касбий фаолиятда тутган ўрни кўрсатиш орқали талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш, янги мавзуни ўрганишда мавзу мазмунининг муайян қисми режа асосида тайёр ахборот шаклида етказиш ва талабаларнинг билиш фаолияти кичик гуруҳларда ишлаш методи асосида ташкил этиш, мавзу юзасидан яқун ясашда кичик гуруҳларнинг иштирокини таъминлаш орқали ўзгартиришлар киритиш назарда тутилди.

Ушбу технологиянинг мазкур методидан талабалар учун мавзунинг муайян қисмини мустақил ўзлаштиришлари, уларнинг кичик гуруҳларда ишлаши орқали ҳамкорликда киришиш, улар ўртасида ўзаро мулоқотни



амалга ошириш, билимларни онгли ўзлаштириш ва педагогик технология талаблари асосида муайян тажрибаларга эга бўлишлари назарда тутилган ҳолда фойдаланилади.

Ўрганиладиган мавзунинг мазмунида илмий ва фактик материалларнинг салмоғини эътиборга олинган ҳолда талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлаш фаолиятини режалаштириш зарур.

Агар машғулот мазмунида фактик материаллар умумий мазмуннинг 25% ташкил этса, талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлаш фаолияти 1 марта, тенг ярмини ташкил этган ҳолда 2 марта фойдаланиш ва бунда маърузанинг боришига муайян ўзгартиришлар киритилган ҳолда, мавзу мазмунидаги тушунча ва атамалар, илмий-назарий масалаларни чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Маърузани юқоридаги тавсияга мувофиқ ташкил этилиши талабалар томонидан билимларни мустақил ўзлаштириш, мавзу мазмунидаги асосий ғояни ажратиш, ўз фикрини баён этиш, мустақил фикр юритиш кўникмаларини таркиб топтириш имконини беради.

Маърузада талабаларнинг кичик гуруҳларда мустақил ишларининг ташкил этилиши уларнинг билиш фаолиятини ташкил этишда муайян ўзгартиришлар киритилишига замин тайёрлайди, шунингдек, талабаларни объект мақомидан ажралиб, субъект мақомига ўтишга замин тайёрланади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ўқитувчи ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлаш фаолиятини ташкил этиш лозим бўлган ўқув топшириқларини тузиши ва ундан ўз ўрнида самарали фойдаланиш йўллари белгилаши зарур.



## АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМГА АСОСЛАНГАН МАЪРУЗА БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ МЕТОДИГА АСОСЛАНГАН МАЪРУЗАНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ

Педагогик технология	Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш	Янги мавзунини ўрганиш	Яқун яшаш ва хулосалаш	Мустақил иш топшириғини бериш
Анъанавий таълим	Давоматни аниқлаш, аввалги мавзунини эсга тушириш	Мавзунинг аҳамиятини тушунтириш, фанлараро боғланиш	Мавзу мазмунини режа асосида тайёр ахборот шаклида етказилади, талабалар фаолияти пассив тингловчи ҳолатида ташкил этилади	Ўқитувчи томонидан амалга оширилади.	Кўрсатма шаклида
Ҳамкорликда ўқитиш (кичик гуруҳларда ишлаш) Мавзу мазмунининг 25% и кичик гуруҳларда ишлаш имкони бўлганда фойдаланилади	Давоматни аниқлаш, аввалги мавзунини эсга тушириш, маърузанинг мақсади ва кичик гуруҳлар учун тузилган ўқув топшириқларининг мақсади ва бажариш тартибини тушинтириш	Қизиқарли аналогиялар, фактлар, фанлараро боғланиш, ўрганиладиган мавзу мазмунининг келгуси касбий фаолиятда тутган ўрни	Мавзу мазмунининг муайян қисми режа асосида тайёр ахборот шаклида етказилади. Маърузанинг муайян қисми кичик гуруҳлар учун берилган топширик асосида ўрганилади. Талабаларнинг билиш фаолияти кичик гуруҳларда ишлаш методи асосида ташкил этилади.	Кичик гуруҳлар иштирокида ўқитувчи томонидан амалга оширилади.	Кўрсатма шаклида

<p>Ҳамкорликда ўқитиш (кичик гуруҳларда ишлаш) Мавзу мазмунининг 50%и кичик гуруҳларда ишлаш имкони бўлганда фойдаланилади</p>	<p>Давоматни аниқлаш, аввалги мавзуни эсга тушириш, маърузанинг мақсади ва кичик гуруҳлар учун тузилган ўқув топшириқларининг мақсади ва бажариш тартибини тушинтириш</p>	<p>Қизиқарли аналогиялар, фактлар, фанлараро боғланиш, ўрганиладиган мавзу мазмунининг келгуси касбий фаолиятда тутган ўрни</p>	<p>Мавзу мазмунининг дастлабки қисми режа асосида тайёр ахборот шаклида етказилади</p> <p>Маърузанинг муайян қисми кичик гуруҳлар учун берилган топширик асосида ўрганилади.</p> <p>Мавзу мазмунининг кейинги қисми режа асосида тайёр ахборот шаклида етказилади</p> <p>Маърузанинг қолган қисми кичик гуруҳлар учун берилган топширик асосида ўрганилади.</p>	<p>Кичик гуруҳлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш</p> <p>Кичик гуруҳларнинг эришган ютуқларини эътироф этиш</p> <p>Яқун ясашда кичик гуруҳлар иштирокида ўқитувчи томонидан амалга оширилади</p>	<p>Мустақил иш топшириқларини тавофутлаб бериш</p>
--	---	---	---	---	--



Биологик фанларни ўқитиш жараёнида ташкил этиладиган маърузада модулли таълим технологиясини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур технологиядан фойдаланиш учун ўқитувчи қўйидаги тайёргарлик ишларини олиб борган бўлиши шарт:

1. Ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари асосида талабаларга қўйиладиган ўқув мақсадларини белгилаш;

2. Ўрганиладиган мавзуни мантиқий тугалланган фикрли модулларга ажратиш, ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларини аниқлаш ва уларнинг иерхаргик даражасини тузиш;

3. Талабаларнинг ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларига эришиш йўллариин назарда тутган ҳолда ўқув топшириқларини тузиш ва унга ажратилган вақт меъёрларини белгилаш;

4. Модулларнинг кетма-кетлиги асосида модулларнинг хусусий мақсадлари, ўқув топшириқларни яхлит тарзда ўзида мужассамлаштирган модул дастурини лойиҳалаш;

5. Маъруза матни ва модул дастурини машғулотдан бир ҳафта аввал талабаларга тарқатиш;

6. Модул дастурининг уч хил тури бўлишини назарда тутган ҳолда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклини аниқлаш;

Изоҳ:

- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни фактик материаллардан иборат бўлиб, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчилик юзага келмаса, у ҳолда модул дастурининг индивидуал ишлаш модул дастуридан фойдаланилади;

- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни фактик материаллар билан бир қаторда илмий-назарий масалалардан иборат бўлиб, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчиликни юзага келтирган ҳолда модул дастурининг икки талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастуридан фойдаланилади;

- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни илмий-назарий масалалар, тушунча ва атамаларни ўзида мужассамлаштирган бўлса, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчиликни юзага келиши табиий бўлган ҳолда модул дастурининг талабаларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастуридан фойдаланилади;

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларига уч хил тайёргарликка эга талабалар қабул қилинаётганлиги, уларда ўқув меҳнати ва амалий кўникмаларнинг эгаллаганлик даражаси турлича бўлганлигини инобатга



олиб модулли таълим технологиясидан фойдаланишда модул дастурининг талабаларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастури юқори самара бермоқда.

Мазкур модул дастури асосида ишлаганда талабаларнинг кичик гуруҳлари ўртасида рақобат, гуруҳ сардори гуруҳ аъзолари билан қўшимча ишлаш, машғулотгача модул дастуридан ўрин олган савол-топшириқлар юзасидан тайёргарлик кўриш имконияти вужудга келади.

Ўқув топшириқларининг жамоа орқали қўйилиши, гуруҳ аъзоларининг гуруҳ муваффақиятига ҳисса қўшишга интилиши таълим-тарбия жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи саналади.

Гуруҳнинг эришган натижаларининг таҳлил ва эътироф этилиши талабалар ўқув мотивларини фаоллаштирадиган омил саналади.

Талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз-ўзини, ўзаро ва ўқитувчи томонидан назорат қилиниши таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Модулли таълим технологияси ўқитиш жараёнида янги мавзуни ўрганишда хусусий методик даражада қўлланилади ва локал даражада қўлланиладиган ақлий ҳужум, инсерт, кластер, бумеранг, атамалар занжири, блиц, ўйин машқлар билан уйғунлаштирилади.

Битта машғулотда янги мавзуни ўрганиш жараёнида педагогик технологиялардан хусусий методик даражада ва машғулотнинг талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш, янги ва ўтган мавзу бўйича талабаларнинг ўзлаштирган билимларини аниқлашда локал даражада қўлланиладиган ақлий ҳужум, инсерт, кластер, бумеранг, атамалар занжири, блиц, ўйин машқлар билан уйғунлаштириш ўқитувчидан муайян методик тайёргарлик ва машғулотнинг дидактик мақсадларини эътиборга олган ҳолда ўқув топшириқларини тузиш ва ўз ўрнида самарали фойдаланишни тақоза этади.

Шу сабабли, ушбу технологияларни уйғунлаштириш, анъанавий таълимга асосланган маъруза билан модулли таълим ва локал даражадаги педагогик технологиялардан фойдаланиладиган маърузанинг бориши, талабаларнинг билиш ва ўқитувчининг педагогик фаолиятини қиёсий тавсифлашда ушбу ўзгартиришларни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин.

### Анъанавий таълимга асосланган маъруза билан модулли таълим технологиясига асосланган маърузанинг қиёсий тавсифи

Педагогик технология	Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш	Янги мавзунини ўрганиш	Яқун яшаш ва хулосалаш	Мустақил иш топширигини бериш
Анъанавий таълим	Давоматни аниқлаш, аввалги мавзунини эсга тушириш	Мавзунинг аҳамиятини тушунтириш, фанлараро боғланиш	Мавзу мазмунини режа асосида тайёр ахборот шаклида етказилади, талабалар фаолияти пассив тингловчи ҳолатида ташкил этилади	Ўқитувчи томонидан амалга оширилади.	Кўрсатма шаклида
Модулли таълим технологияси Мавзу мазмунининг 25%и модул дастури воситасида ўрганиш имкони бўлганда фойдаланилади	Давоматни аниқлаш, “Атамалар варағи”дан фойдаланиш, тушунча ва атамаларнинг изоҳини аниқлаш маърузанинг мақсади ва кичик гуруҳлар учун тузилган ўқув топшириқларининг мақсади ва бажариш тартибини тушунтириш	Қизиқарли аналогиялар, фактлар, фанлараро боғланиш, ўрганиладиган мавзу мазмунининг келгуси касбий фаолиятда тутган ўрни “Ақлий ҳужум” ўтказиш	Режа бўйича 1-модул маъруза асосида шаклида етказилади 2-модул кичик гуруҳларда ишлаш учун берилган топшириқ асосида ўрганилади. Мавзу мазмунининг 2-ва 3-модулар тайёр ахборот шаклида етказилади	Кичик гуруҳлар ўртасида мунозараларини ўтказиш Кичик гуруҳларнинг эришган ютуқларини эътироф этиш Мавзунини Кластер воситасида умумий яқунлаш	Мустақил иш топшириқларини тавофутлаб бериш

<p>Модулли таълим технологияси Мавзу мазмунининг 50%и модул дастури воситасида ўрганиш имкони бўлганда фойдаланилади</p>	<p>Давоматни аниқлаш, “Атамалар варағи”дан фойдаланиш, тушунча ва атамаларнинг изоҳини англаш маърузанинг мақсади ва кичик гуруҳлар учун тузилган ўқув топшириқларининг мақсади ва бажариш тартибини тушинтириш</p>	<p>Қизиқарли аналогиялар, фактлар, фанлараро боғланиш, ўрганиладиган мавзу мазмунининг келгуси касбий фаолиятда тутган ўрни “Ақлий хужум” ўтказиш</p>	<p>Режа бўйича 1-модул маъруза асосида шаклида етказилади 2-модул ва 3-модуллар кичик гуруҳларда ишлаш учун берилган топшириқ асосида ўрганилади. Мавзу мазмунининг 4-модули тайёр ахборот шаклида етказилади</p>	<p>Кичик гуруҳлар ўртасида мунозараларини ўтказиш Кичик гуруҳларнинг эришган ютуқларини эътироф этиш Мавзуни Кластер ва Венн диаграммаси воситасида умумий якунлаш</p>	<p>Мустақил иш топшириқларини тавофутлаб бериш</p>
<p>Модулли таълим технологияси Мавзу мазмунининг 75%и модул дастури воситасида ўрганиш имкони бўлганда фойдаланилади</p>	<p>Давоматни аниқлаш, “Атамалар варағи”дан фойдаланиш, тушунча ва атамаларнинг изоҳини англаш маърузанинг мақсади ва кичик гуруҳлар учун тузилган ўқув топшириқларининг мақсади ва бажариш тартибини тушинтириш</p>	<p>Қизиқарли аналогиялар, фактлар, фанлараро боғланиш, ўрганиладиган мавзу мазмунининг келгуси касбий фаолиятда тутган ўрни “Ақлий хужум” ўтказиш</p>	<p>Режа бўйича 1-модул маъруза асосида шаклида етказилади 2-модул, 3-модул ва 4-модуллар кичик гуруҳларда ишлаш учун берилган топшириқ асосида ўрганилади.</p>	<p>Кичик гуруҳлар ўртасида мунозараларини ўтказиш Кичик гуруҳларнинг эришган ютуқларини эътироф этиш Мавзуни Кластер ва Венн диаграммаси воситасида умумий якунлаш</p>	<p>Мустақил иш топшириқларини тавофутлаб бериш</p>

Модулли таълим технологияси қўлланилган машғулотнинг ўзига хос хусусияти

Босқичлар	1-босқич Ташкилий қисм.	2-босқич Янги мавзуни ўрганиш	3-босқич Модул дастури билан ишлаш	4-босқич Модул дастурини яқунлаш.	5-босқич Назорат қилиш ва баҳолаш.	6-босқич Эришилган натижани таҳлил қилиш
ЎҚИТУВ-ЧИНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ	Талабаларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этади. Модул дастурининг дидактик мақсади ва ўқув топшириқлари билан таништиради.	Талабаларнинг модул дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этади. Муаммоли вазиятларни вужудга келтиради, тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради.	Модул дастуридан ўрин олган ҳар бир модул якунида ўқув баҳси, савол-жавоб, мунозара, ақлий ҳужум ўтказилади.	Талабаларнинг эришган ютуқларини эътироф этиш Мавзуни Кластер ва Венн диаграммаси воситасида умумий яқунлаш.	Машғулот юзасидан тест топшириқлари ёрдамида ўқитувчи назоратини амалга ошириш.	Талабалар эришган натижасига мувофиқ ҳолда уларга мустақил ва ижодий топшириқ тавсия этиш.
ТАЛАБАНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИ	Модул дастурининг дидактик мақсади, модуллар, уларнинг хусусий дидактик мақсадлари, машғулот давомида бажариладиган ўқув топшириқлари, топшириқлар юзасидан берилган кўрсатмаларни англайди	Модул дастури асосида ўз ўқув билиш фаолиятини ташкил этади. Ўқув материални мустақил ўзлаштиради, ўқув топшириқларини бажаради, саволларга жавоб топади.	Муаммоли вазиятлардан чиқишнинг оптимал вариантларини таклиф этади. Ўқув баҳси, мунозара ва ақлий ҳужумда этади.	Модул дастурининг дидактик мақсадига мувофиқ ўз ўқув фаолиятини таҳлил қилади, ўз-ўзини баҳолайди.	Тест топшириқлари асосида ўз билиминини назорат қилади камчиликларни аниқлаш ва барҳам бериш	Ўрганилган мавзуга асосланган ҳолда муайян ўқув топшириқларини бажариш

Жадвал асосида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, биологик фанлардан ташкил этиладиган маъруза машғулотида модулли таълим технологиясидан фойдаланилганда талабаларнинг билиш фаолиятининг фаоллашиши мазкур машғулот самарадорлигини орттиришга замин тайёрлайди.

Биологик фанлардан ташкил этиладиган маъруза машғулотида талабаларни пассив тингловчи ҳолатидан фаол фикрлашга ўргатиш, таълим-тарбия жараёнининг объектидан тўлақонли субъектига айлантириш имконияти вужудга келади.

Ушбу жараёндан кўзланган мақсад талабаларни:

- Ўз ўқув-билиш фаолиятини ўрганилаётган мавзунинг дидактик мақсадига мувофиқ ташкил этишга ўргатиш;
- Асосий ғояни ажратиш, мантикий фикр юритиш, фикрини баён этиш ва асослаш кўникмаларини ривожлантириш, мулоқотга киришишга эришиш;
- Ҳар бир шахснинг интеллектуал ривожланишига имкон яратиш ва улар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам уюштириш;
- Ўз ўқув фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва таққослаш, ўз-ўзини назорат ва баҳолашга ўргатиш;
- Ўз ўқув фаолиятидаги камчиликларга барҳам бериш йўллари аниқлаш ва ўз устида ишлаш;
- Талабанинг илмий дунёқараш, тафаккурни кенгайтириш, касбий тайёргарлик даражасини орттириш саналади.

Маъруза машғулотида янги мавзунини ўрганиш жараёнида хусусий методик даражада қўлланиши мумкин бўлган технологиялар жумласига дидактик ўйин технологияси ҳам киради.

Дидактик ўйин технологияси маъруза машғулотида талабаларнинг билиш фаолиятини ўйин фаолияти билан уйғунлаштиришни талаб этади.

модулли таълим, муаммоли таълим, ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳалаш технологиялари киради ва мазкур педагогик технологиялар талабаларнинг ўқув – билиш фаолиятининг ўзгаришига яъни, мақсадга мувофиқ фаоллашишига олиб келади.

Биологик фанлар ўқитишда маъруза билан бир қаторда амалий ва семинар машғулотида фойдаланилади, уларнинг таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти;
- талабаларнинг ўқув ва билиш фаолияти.





Олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёни, хусусан, амалий ва семинар машғулотлардаги ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти объект-субъект муносабатлари асосида талабаларнинг ўқув ва билиш фаолияти ҳам шунга мос ҳолда ташкил этилиши маълум бўлди.

Шуни қайд этиш керакки, таълим-тарбия жараёнида маъруза билан бир қаторда амалий ва семинар машғулотлари ҳам таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, ундовчи, уюштирувчи ва назорат каби функцияларини бажаради.

Амалий ва семинар машғулотларни анъанавий тарзда ташкил этилганда мазкур машғулотларнинг функцияларини тўлиқ амалга ошириш имконияти вужудга келмайди.

Шу сабабли амалий ва семинар машғулотларни талаба шахсига йўналтирилган технологиялар асосида ташкил этиш, субъект-субъект муносабатларига ўтказиш давр талаби саналади.

“Амалий машғулот” атамаси педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. “Амалий машғулот” атамаси кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради.

Тор маънода талабаларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалиётга қўллаш, кўникмаларни малака даражаси етказишда қўлланилади.

Амалий машғулотларда талабалар ўқитувчининг кўрсатмасига биноан амалий иш топшириқларини яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда бажариши орқали ўқув мақсадларига эришадилар.

Маърузадан фарқли томонларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характерда бўлишидир. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва аниқлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини мустақамлаш, амалиётга қўллаш ва назорат қилишга ҳам хизмат қилади.

Биологик фанлардан амалий машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотлар мазмунидаги топшириқларни режалаштира олиш ва ўтказиш олиш;
- амалий машғулотлардан кўзланган мақсадни аниқ белгилаб олиш;
- фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш, талабаларнинг фан бўйича ўзлаштирган билимларини чуқурлаштириш, мустақамлаш орқали касбий тайёргарлигини орттириш;
- талабада таълим-тарбия жараёнидан кўзланган натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- амалий машғулотлари нафақат муайян мавзу бўйича билимларни умумлаштириш, балки таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаш зарур.



Семинар машғулоти куйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;
- назарий ўқитиш жараёнида эгаллаган билимларининг амалиётда қўллаши.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: семинар олди машғулоти, семинар ва махсус семинар.

Семинар олди машғулоти, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинар олди машғулоти семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинар олди машғулотида ўқитувчи етакчилик қилади, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

Семинар машғулотида семинар олди машғулотирига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзунинг ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишга бағишланган бўлади.

Махсус семинарлар маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадида қўлланилади.

Биологик фанлар ўқитишда семинар машғулотларидан фойдаланиш таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини орттиришга хизмат қилади.

Лаборатория машғулоти. Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар.

Илмий-техник тараққиёт шароитида лаборатория ишлари талабага назарий билимларни қўллаш механизмини чуқур ва кўргазмали ўрганиш имконини беради. Лаборатория машғулоти талабада тадқиқот ўтказиш кўникмаларини шакллантиради, фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради.

Машғулотларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари асосида машғулотнинг ҳар бир босқичи учун репродуктив ўқув топшириқлари, уларнинг дидактик мақсадларини аниқлаш ва шакллантириш



Машғулотларда таълимнинг қуйидаги учта асосий мақсадга эриштирувчи воситаларини таъминлаш лозим: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар.

Таълимий талабларга ҳар бир машғулотнинг таълим вазифаларини аниқ белгилаш, машғулотни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш энг янги технологияларини киритиш, турли хилдаги таълим шакли, методлари ва кўринишларидан фойдаланиш, машғулот тузилишини шакллантиришга ижодий ёндашиш машғулотни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш кабилар киради.

Машғулотга нисбатан қўйиладиган тарбиявий талаблар ўқув материалнинг тарбиявий имкониятларини аниқлаш, талабаларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, қобилиятлилик, эътиборлилик, ҳалолликни шакллантириш.

Барча машғулотларда доим амалга оширилиб бориладиган ривожлантирувчи талабларга талабаларда ўқув-ўрганиш фаолияти ижобий сифатлари, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаоллик шакллантириш ҳамда ривожлантириш, талабаларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш кабилар киради.

Олий ўқув юртларида ташкил этиладиган семинар машғулотларида юқорида қайд этилган технологиялар билан бир қаторда ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг “арра” методи, дидактик ўйин технологиясининг ўйин машқларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Семинар машғулотларида талабалар фан ўқитувчиси тавсия этган режа асосида ўқув материални ахборот манбаларидан фойдаланилган ҳолда мустақил ўрганадилар. Бундай машғулотлар талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, билимларни мустақил эгаллашлари, кенгайтириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашда катта имкониятларга эга. Бу жараёнда профессор-ўқитувчининг вазифаси талабаларнинг семинар машғулотларига тайёргарлиги, мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этинг ва бошқариш саналади. Семинар машғулотини ўтказишда икки хил ёндашув мавжуд. Биринчи хил ёндашув маъруза–семинар тизими бўлиб, унда ўқитувчи ўқув материални кўرғазмали воситалардан фойдаланган ҳолда маъруза шаклида баён этади. Шундан сўнг, талабалар ўқув топшириқлари асосида ўқув материалларини қайта мустақил ҳолда ишлаб чиқиб, уни аниқлаштирадилар ва машғулот давомида муҳокама қиладилар. Бу хилдаги ёндошувни мавзу тушунчалар ва атамаларга бой бўлган пайтда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи хилдаги ёндошувда семинар машғулотларидан мустақил иш шаклида фойдаланилади, яъни талабалар ҳали ўзларига номаълум бўлган



ўқув материали асосида мустақил тайёргарлик кўрадилар. Бундай ёндошувдан ўқув материали анча енгил талабалар уларни мустақил ўзлаштириш имконияти бўлганда қўлланилади. Бундай семинар машғулотининг дидактик мақсади талабалар аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб билимларни ўзлаштиришга эришишдир.

Семинар машғулотининг боришини такомиллаштириш, ўқитиш самарадорлигини орттириш, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадида, мазкур машғулотларда педагогик технологиялардан фойдаланилиш мақсадга мувофиқ.

Биологик фанлардан ўтказиладиган семинар машғулотида педагогик технологиялардан фойдаланишда қуйидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин:

- Курсни ўқитиш учун ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг умумий, яхлит лойихасини ишлаб чиқиш;

- таълим-тарбия жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш;

- таълим-тарбия жараёнини самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали усул ҳамда техник воситаларни танлаш;

- таълим жараёнида таълим олувчининг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши учун муайян шарт-шароитлар, яъни ўқув топшириқларини тузиш, уларда мустақил ишлаш кўникмаларини малака даражасига етказиш;

- таълим олувчи фаолиятини назорат қилиш ҳамда баҳолашда ўз-ўзини баҳолашни ташкил этиш;

Юқоридаги фикрлардан кўринадики семинар машғулотида педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этинг таълим олувчиларни мустақил, ижодий фикрлашларини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Профессор-ўқитувчилар семинар машғулотларни ташкил қилаётганда семинар машғулотнинг ананавий тузилишини замонавий таълим технологияларнинг элементларини қўллаш орқали ўзгартириши, янги педагогик технологиялар асосида яратилган интерфаол усулларга ёндошган ҳолда таълим жараёнини ташкил этинги ва уни амалга ошириш орқали таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш самарадорлигига эришиши мумкин.

Таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришга замин тайёрлайдиган технологияларидан бири - ҳамкорликда ўқитиш технологияси саналади.



Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг асосий ғояси талабалар томонидан ўқув топшириқларни фақат биргаликда бажариш эмас, балки талабаларни ҳамкорликда ўқишга ўрганиш, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва фикр алмашинувни вужудга келтиришдир.

Биологик фанлардан семинар машғулотларда ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг: командада ўқитиш, биргаликда ўқимиймиз, кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этинг ва “зиг-заг” ёки “арра” каби методларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу методлардан фойдаланишда амалий ва семинар машғулотларининг мазмунига мос ҳолда дидактик мақсадни амалга ошириш назарда тутилган ҳолда талабаларнинг мустақил иш топшириқларини тузиш, талабаларни кичик гуруҳларга ажратиб уларнинг фаолиятини мазкур топшириқларни ҳамкорликда бажаришга йўллаш, гуруҳлар ўртасида том маънодаги рақобатни вужудга келтириш орқали машғулотдан кўзланган натижага эришиш йўллари белгилаш зарур.

Семинар машғулотларида ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан фойдаланиш ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, уларда мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий кадр – қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз қобилияти ва билимига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда маъсулият ҳиссини шакллантиришга имкон яратади. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси талабаларни командада, кичик гуруҳларда ўқитишни назарда тутди. Шу сабабли талабалар ҳар бир талабанинг таҳсил олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишни англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, семинар топшириқларини тўлиқ ва сифатли бажаришга, семинар материални пухта ўзлаштиришга, курсдошларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштиришга замин яратади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг командада ўқитиш методидан амалий ва семинар машғулотларида фойдаланишда ўқитувчи талабаларни тенг сонли командаларга ажратади. Ҳамма команда бир хил ўқув топшириқларини команда аъзолари билан ҳамкорликда бажариб, мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштирадilar.

Мазкур методдан фойдаланиб ташкил этилган семинар машғулотини куйидаги тузилишга эга бўлади:

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.



### III. Янги мавзуни ёритиш:

а) Талабаларни командага ажратиб бир неча кичик гуруҳларни ташкил этинг ҳамда ҳар бир команда аъзолари томонидан белгиланган семинар топшириқларини мустақил равишда сифатли бажаришга эришиш;

б) Семинар материалларини яхлит ҳолда қайта ишлаб чиқишни амалга ошириш.

IV. Янги мавзу юзасидан командалар ўртасида савол – жавоб, баҳс уюштириш.

### V. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

Амалий ва семинар машғулотида ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг „арра“ ёки „зиг-заг“ методидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу методда талабалардан 6–8 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этилади. Машғулоти давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисмларга ажратилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича ўқув топшириқлари тузилади. Кичик гуруҳдаги талабалар мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва мавзунинг шу қисми бўйича „мутахассис“га айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳ „мутахассислар учрашуви“ гуруҳида ҳар бир мутахассис мавзунинг ўзи эгаллаган қисми бўйича билимларини арра тиши кетма – кет келгани каби галма – галдан баён этиб ҳамкорларини ўқитади. Шу тариқа мазкур гуруҳдан ўқув материали мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади. Талабаларнинг ўзлаштирган билимлари шу гуруҳда назорат қилинади ва баҳоланади. Ҳар бир гуруҳнинг тўплаган умумий балларига мувофиқ ҳолда ғолиб гуруҳ аниқланади.

Мазкур семинар машғулоти қуйидагича ташкил этилади:

Машғулотнинг бориши :

I. Ташкилий қисм.

II. Талабаларни машғулоти мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини семинар топшириқларини бажаришга йўллаш.

III. Янги мавзуни ёритиш:

а) „мутахассислар“ гуруҳи томонидан белгиланган топшириқларни сифатли бажаришга эришиш;

б) „мутахассислар учрашуви“ гуруҳини ташкил этинг ва мазкур гуруҳларда „мутахассислар“ ёрдамида семинар материалларини яхлит ҳолда қайта ишлаб чиқишни амалга ошириш.

IV. Янги мавзу юзасидан командалар ўртасида савол – жавоб, баҳс уюштириш.



#### V. Янги мавзуни қайта ишлаш ва яқунлаш.

Амалий ва семинар машғулотида модулли таълим технологиясини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур технологиядан фойдаланиш учун ўқитувчи қуйидаги тайёргарлик ишларини олиб борган бўлиши шарт:

1. Мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари асосида талабаларга қўйиладиган ўқув мақсадларини белгилаш;

2. Ўрганиладиган мавзуни мантиқий тугалланган фикрли модулларга ажратиш, ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларини аниқлаш ва уларнинг иерхаргик даражасини тузиш;

3. Талабаларнинг ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларига эришиш йўллариини назарда тутган ҳолда ўқув топшириқларини тузиш ва унга ажратилган вақт меъёрларини белгилаш;

4. Модулларнинг кетма-кетлиги асосида модулларнинг хусусий мақсадлари, ўқув топшириқларни яхлит тарзда ўзида мужассамлаштирган модул дастурини лойиҳалаш;

5. Амалий ва семинар машғулоти асосида тузилган модул дастурини машғулотдан бир ҳафта аввал талабаларга тарқатиш;

6. Модул дастурининг уч хил тури: индивидуал, икки талаба ҳамкорликда, кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлангига модул дастури бўлишини назарда тутган ҳолда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этинг шаклини аниқлаш;

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларига уч хил тайёргарликка эга талабалар қабул қилинаётганлиги, уларда ўқув меҳнати ва амалий кўникмаларнинг эгаллаганлик даражаси турлича бўлганлигини инобатга олиб модулли таълим технологиясидан фойдаланишда модул дастурининг талабаларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлангига мўлжалланган модул дастури юқори самара бермокда.

Мазкур модул дастури асосида ишлаганда талабаларнинг кичик гуруҳлари ўртасида рақобат, гуруҳ сардори гуруҳ аъзолари билан қўшимча ишланг, машғулотгача модул дастуридан ўрин олган савол-топшириқлар юзасидан тайёргарлик кўриш имконияти вужудга келади.

Ўқув топшириқларининг жамоа орқали қўйилиши, гуруҳ аъзоларининг гуруҳ муваффақиятига ҳисса қўшишга интилиши таълим-тарбия жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи саналади.

Гуруҳнинг эришган натижаларининг таҳлил ва эътироф этилиши талабалар ўқув мотивларини фаоллаштирадиган омил саналади.

Талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз-ўзини, ўзаро ва ўқитувчи томонидан назорат қилиниши таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Модулли таълим технологияси амалий ва семинар машғулотлар жараёнида янги мавзунини ўрганишда хусусий методик даражада қўлланилади ва локал даражада қўлланиладиган ақлий ҳужум, инсерт, кластер, бумеранг, атамалар занжири, блиц, ўйин машқлар билан уйғунлаштирилади.

Амалий ва семинар машғулотларда дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Ўқитишда бошқа педагогик технологиялар каби дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Дидактик ўйин технологиясининг асосий хусусияти талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлаштириш саналади.

Биологик фанлардан ташкил этиладиган амалий ва семинар машғулотларда дидактик ўйин технологиясидан фойдаланишни кўзда тутишдан асосий мақсад талабаларнинг муаммоларни ҳал этишда муайян ролларни бажариш, эгаллаган лавозимига мос ҳолда фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш орқали касбий тайёргарлигини орттириш саналади.

Мазкур технологиянинг конференция, тақдимот, ижодий ўйин, ўйин машқлардан фойдаланиш юқори самара беради. Ушбу машғулотларда талабаларнинг билим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлаштирилади, шу сабабли талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Амалий ва семинар машғулотлар мавзуси жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, фактик материалларни ўрганишга бағишланган бўлса, у ҳолда дидактик ўйин технологиясининг конференция шаклидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу машғулотдан бир ҳафта олдин ўқитувчи талабаларни “Олимлар” гуруҳига ажратади. Талабалар белгиланган муаммо бўйича изланишлар олиб бориб маъруза тайёрлашади. Машғулот давомида “Олимлар” гуруҳи навбат билан ўз маърузаларини кўргазмалар воситалар ёрдамида тақдим этади:

- 1-гуруҳ, “Олимлар” гуруҳи
- 2-гуруҳ, “Олимлар” гуруҳи
- 3-гуруҳ “Олимлар” гуруҳи
- 4-гуруҳ “Олимлар” гуруҳи

Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ маърузасидан сўнг, ўқув баҳси, мунозара ўтказади.





Биологик фанлар курси мазмунан синтетик, яъни турли фанлардан тўпланган материаллар асосида вужудга келганлиги сабабли, дидактик ўйин технологиясининг тақдимот методидан амалий ва семинар машғулотларда фойдаланиш қўл келади.

Тақдимотдан амалий ва семинар машғулотларда фойдаланиш мазкур жараёни такомиллаштириш, самарадорлигини орттиришга хизмат қилади.

Масалан, “Органик олам эволюциясининг далиллари” мавзуси ўрганиладиган машғулотдан бир ҳафта олдин ўқитувчи талабаларни “Олимлар” гуруҳига ажратади. Талабалар белгиланган муаммо бўйича изланишлар олиб бориб маъруза тайёрлашади. Машғулот давомида “Олимлар” гуруҳи навбат билан ўз маърузаларини кўргазмали воситалар ёрдамида тақдим этади:

1-гуруҳ, “Солиштирма анатомлар” гуруҳи

2-гуруҳ, “Палеонтологлар” гуруҳи

3-гуруҳ “Эмбриологлар” гуруҳи

4-гуруҳ “Биогеографлар” гуруҳи

Ҳар бир гуруҳ ўзларига топширилган муаммо юзасидан изланиш олиб боради ва изланиш натижаларини тақдим этади.

Дидактик ўйин технологиясининг ижодий ўйин методидан фойдаланилган машғулотнинг мазмуни аввалги машғулотлардаги савол-топшириқлардан ижодий характердалиги билан фарқланади.

Ушбу амалий ва семинар машғулотлар туридан мавзу мазмунидаги муаммоларни талабалар аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги ва қутилмаган вазиятларда ижодий қўллаш ва изланиши орқали ҳал этиш мумкин бўлганда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Назорат саволлари.**

1. Кредит-модуль тизимидан фойдаланилганда Халқаро баҳолаш дастурларини амалга ошириш йўллари юзасидан таҳлилий фикр юритинг.

2. PIRLS - Progress in International Reading and Literacy Study - бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолашга мўлжалланган дастурнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

3. TIMSS - The Trends in International Mathematics and Science Study- математика ва табиий фанларни ўзлаштириш сифатини Халқаро мониторинглаш ва баҳолашга мўлжалланган дастурнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

4. PISA - Programme for International Student Assessment Халқаро баҳолаш дастурининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.



5. TALIS - Teaching and Learning International Survey – Халқаро баҳолаш дастурининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

6. Ўзингиз мутассади бўлган ўқув курсидан ташкил этиладиган маъруза машғулотида Халқаро баҳолаш дастурлари талабларини амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқинг.

7. Биологиядан лаборатория машғулотида Халқаро баҳолаш дастурлари талабларини амалга ошириш йўлларини белгиланг.

8. Амалий машғулотларда Халқаро баҳолаш дастурлари талабларига мувофиқ талабаларнинг билими, кўникма, малака, таянч ва хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш учун ўқув ва тест топшириқларини тузинг.

9. Педагогик фаолиятингизда курс машғулотларида идентив ўқув мақсадларига мувофиқ узвийлигини таъминлаш йўлларини изоҳланг.



## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### **1-амалий машғулот: Биологияни ўқитишда модул мазмуни юзасидан талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни аниқлаш.**

Биологик фанларни ўқитишни кредит-модуль тизимини амалга ошириш учун ўқитувчи қуйидаги ишларни босқичма-босқич бажариши лозим:

- Ўзингиз ўқитишга мутассади бўлган биологик фаннинг ишчи дастурида келтирилган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритиш ва уларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун фойдаланилаётган назорат топшириқларини таҳлил қилиш;

- Биологик фаннинг ишчи дастурида келтирилган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритиш;

- ўрганилаётган курс мазмунини модулларга ажратиш ва модул давомида талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлаш;

- модул таркибидаги ҳар бир мавзу мазмунини таҳлил қилиш ва талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлаш;

- мавзу мазмунини таҳлил қилиш ва модул (режа)ларга ажратиш, мавзунинг ҳар бир модулини талабалар томонидан ўзлаштириши учун ўқув топшириқларини тузиш;

- модул мазмуни бўйича талабалар томонидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгалланганлик даражасини аниқлаш учун назорат топшириқларини тузиш;

Биологик фанларни ўқитишда модулли ёндошувни амалга ошириш қуйидаги дидактик мақсадларга эришишга имкон беради:

1. Биологик фанларни модулларга ажратиш Блум таксономияси бўйича идентив ўқув мақсадларнинг шакллантириш, таълим-тарбия жараёнидан кўзланган натижаларга босқичма-босқич эришиш;

2. Блум таксономияси бўйича белгиланган ўқув мақсадларига эришиш учун модулни ўрганишда фойдаланиладиган инновацион ва ахборот технологияларни аниқлаш;

3. Модул мазмунига боғлиқ ҳолда тақдимот ва назорат топшириқларини мақсадга мувофиқ тайёрлаш;

4. Модулдан ўрин олган мавзулар ўрганиладиган машғулотларни инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш;



5. Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларда талабалар томонидан бажариладиган ўқув ва назорат топшириқларидан фойдаланиб курс силабуси, ўқув-методик мажмуа, методик ва дидактик таъминотини талаб даражасида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Мазкур биологик фанларни ўқитишда модулли ёндошувни амалга ошириш босқичларини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БИОЛОГИК ФАНЛАРНИ КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИГА ЎТИШ БОСҚИЧЛАРИ**

	<b>4- БОСҚИЧ</b>	<b>МОДУЛ МАЗМУНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ЭГАЛЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ТУЗИШ</b>
	<b>3- БОСҚИЧ</b>	<b>МАВЗУ МАЗМУНИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА МОДУЛ (РЕЖА)ЛАРГА АЖРАТИШ, МАВЗУНИНГ ҲАР БИР МОДУЛИНИ ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ЎЗЛАШТИРИШИ УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ТУЗИШ</b>
	<b>2- БОСҚИЧ</b>	<b>МОДУЛ ТАРКИБИДАГИ ҲАР БИР МАВЗУ МАЗМУНИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ</b>
<b>1- БОСҚИЧ</b>		<b>ЎРГАНИЛАЁТГАН КУРС МАЗМУНИНИ МОДУЛЛАРГА АЖРАТИШ ВА МОДУЛ ДАВОМИДА ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ</b>
<b>ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ</b>		<b>БИОЛОГИК ФАННИНГ ИШЧИ ДАСТУРИДА КЕЛТИРИЛГАН ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ЭГАЛЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРГА АНИҚЛИК КИРИТИШ ВА УЛАРНИ ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ</b>



## ТИНГЛОВЧИНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎҚУВ ДАСТУРИ

• **Ўқув дастурининг дидактик мақсади:** Сиз мазкур дастур ёрдамида кичик гуруҳларда мустақил ишлаб, ўзингиз ўқитадиган биологик фаннинг ишчи дастурини таҳлил қилишингиз, талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритишингиз ва уларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун фойдаланаётган назорат топшириқларини таҳлил қилишингиз, мавжуд камчиликларни аниқлашингиз, курс мазмунини модулларга ажратиб, ҳар бир мавзу мазмунини таҳлил қилиш ва талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлашингиз, модул мазмунини талабалар томонидан ўзлаштириши учун ўқув топшириқлари ва билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгалланганлик даражасини аниқлаш учун стандарт ва ностандарт назорат топшириқларини тузишингиз, методик билим, кўникма ва малакаларингиз, касбий маҳоратингизни, нутқ ва мулоқот маданиятингизни ривожлантиришингиз зарур.

к/с	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ БЎЙИЧА ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ	КЎРСАТ- МАЛАР	БАЛЛ
1.	<p><b>Мақсад:</b> Биологик фанларни ўқитишда модулли ёндошувни амалга оширишнинг тайёргарлик босқичида амалга ошириладиган ишларни ўрганиш. Берилган маълумотларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуйидаги топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Ўзингиз ўқитишга мутассади бўлган биологик фаннинг ишчи дастурини таҳлил қилинг.</p> <p>2. Унда келтирилган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритинг.</p> <p>3. Курс бўйича талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун фойдаланилаётган назорат топшириқларини таҳлил қилинг.</p> <p>4. Мазкур жараёнда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқланг ва уларни бартараф этиш йўллари белгиланг.</p>	Кичик гуруҳ аъзолари билан хамкорликда ишланг	0,5-балл
2.	<p><b>Мақсад:</b> Биологик курс мазмунини модулларга ажратиш ва модул давомида талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлашни ўрганиш.</p> <p>Қуйидаги топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Ўрганиладиган курс мазмуни (боблар)ни</p>	Кичик гуруҳ аъзолари билан хамкорликда ишланг	0,5-балл



	<p>модулларга ажратинг.</p> <p>2. Ҳар бир модул давомида талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқланг;</p> <p>3. Мазкур билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлаш учун фойдаланилган топшириқларни таҳлил қилинг.</p> <p>4. Бу жараёнда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқланг.</p>		
3.	<p><b>Мақсад:</b> Ўқув курси модуллари мазмуни бўйича талабалар томонидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгалланганлик даражасини аниқлаш учун назорат топшириқларини тузишни ўрганиш.</p> <p>Қуйидаги топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Ўқув курси модуллари мазмунини таҳлил қилинг.</p> <p>2. Мазкур модул бўйича талабалар томонидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқланг.</p> <p>3. Талабалар томонидан мазкур модул мазмунидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгалланганлик даражасини аниқлаш учун назорат топшириқларини тузинг.</p> <p>4. Мазкур жараёнда йўл қўйилган камчиликларни аниқланг ва фикрингизни билдиринг.</p>	<p>Кичик гуруҳ аъзолари билан хамкорликда ишланг</p>	1-балл
5.	<p>Ўқув дастурини яқунлаш.</p> <p>Мақсад: Ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.</p> <p>1. Ўқув дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эришдингиз?</p> <p>2. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни такрорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгилганга эришдингиз?</p> <p>3. Ушбу ўқув дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?</p>	<p>Тўплаган балларингизни жамланг ва кейинги қаторга ёзинг</p>	

	<p>4. Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 3 балл билан баҳоланг.</p> <p>5. Машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилган бўлсангиз танлаган мавзуингиз бўйича қийинчилик даражалари турлича бўлган назорат топшириқларини тузинг.</p> <p>6. Машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва ўқув дастури устида такроран ишланг.</p>		
	<p>Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари</p>	<p>Жами 5 балл</p>	<p>балл</p>

**2-амалий машғулот: Мавзу юзасидан талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашни амалга ошириш.**

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Интегратив тестлар;
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари.

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, бакалаврият йўналиши битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Биологиядан фойдаланиладиган адаптив тестлар қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

- Адаптив талабаларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини беради, яъни тест топшириқларининг қийинчилик даражасига кўра талабалар танлаш ҳуқуқини беради.
- Адаптив тестлар автоматлаштирилган, Му test дастурига киритилиб, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникмаларини мустаҳкамлаш, машқ қилиш, ўз-ўзини назорат амалга ошириш орқали таълим маконига мослаштириш имконини беради.
- Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этади, яъни талабаларнинг танлашига кўра фақат ўртача оғирликдаги, аралаш, қийин даражали тест топшириқлардан фойдаланишга имкон яратади.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модуль-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик

даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Мазкур тест топшириқларини тузиш учун аввало ўқув курси мазмуни ДТС асосида таҳлил этилади, билим, кўникма ва малакалар аниқланади, уларни аниқлаш учун топшириқлар мажмуаси тузилади, мазкур топшириқлар тест топшириқларига айлантирилади ва синов ўтказилади, пировар натижада талабаларнинг шу курсни ўзлаштириш эҳтимоллига юзасидан хулоса тайёрланади.

Адаптив тест топшириқлари орқали талабаларнинг билимларидаги бўшлиқлар аниқланади ва уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

Юқорида қайд этилган ностандарт тест топшириқларини таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёни талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Адаптив ностандарт тест топшириқларини тайёрлашда мазмун ва шакл асосий ўринни эгаллайди.

Шу сабабли, тест топшириқлари мазмунини танлаш принциплари ҳақида фикр юритиш лозим.

**1-принцип. Тест топшириқлари мазмуни синов мақсадига мослиги принципи.** Мазкур принцип талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг тизимининг назорат турларида тест топшириқларининг мазмуни мақсадга мувофиқ танланишини талаб этади.

**2-принцип. Назорат ва баҳоланаётган билимларнинг муҳимлиги принципи.**

Муҳимлик принципи тест топшириғи саволларига ўқув дастуридаги энг муҳим қонун, теорема, тушунча ва кўникмаларни киритишни талаб этади. Бу жараёнда иккинчи даражали маълумотлар, рақамлар ва фактик материаллар тест топшириқларига киритиш тавсия этилмайди.

**3-принцип. Мазмун ва шакл бирлиги принципи.** Мазкур принцип тест топшириқларининг мазмуни ва шакли бир-бирига мос, яхлитликни ташкил этишини талаб этади.

Тест топшириқларининг мазмунини танлашда билимларнинг турлари ва уларнинг ўзига хослигини эътиборга олиш ва мос равишда шаклни танлаш лозим.

**4-принцип. Тест топшириқларининг мазмунан тўғрилиги принципи.**

Тест топшириқларига ўқув курси мазмунидаги объектив ва ҳақиқий билимлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Мазмундаги баҳс ва мунозарага олиб келадиган масалалар тест топшириқларига киритилмаслиги лозим. Бу ҳолат талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини бермайди.





**5-принцип. Тест топшириқлари мазмунида ўқув курси мазмунининг қайта тақдим этилиши принципи.**

Мазкур принцип тест топшириқларини тайёрлашда ўқув курси мазмунини тўлиқ ва етарли даражада қамраб олинишини назарда тутди. Ўқув курси бўйича ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида мавзулараро, боблараро, бўлимлараро ва фанлараро боғланишларга етарли даражада эътибор қаратилган, мазмунан бу жараён ўқув материалида ўз аксини тушунчалар ўртасидаги боғланишлар шаклида топган бўлса, бунда ҳамма мавзулар бўйича эмас, балки танланган асосий мавзулар ва боблар бўйича тест топшириқлари тайёрланади.

**6-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг фаннинг ҳозирги замон ҳолатига мослиги принципи.**

Мазкур принцип тест топшириқлари мазмунини жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий қарашлар, ҳуқуқий меъёрлар, фаннинг ўқув курси таълим мазмунига киритилган фан янгиликларига мослашни талаб этади.

Шуни қайд этиш керакки, ўқув курси мазмуни талабалар томонидан шу курсга оид илмий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўзига хос ва мос проекцияни ҳосил қилади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан кўриниб турибдики, тест топшириқларининг мазмуни ҳам замонавий, ҳам талабалар томонидан илмий билимларни ўзлаштириш босқичларига мос бўлиши лозим.

**7-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг мажмуали ва мувозанатлашган бўлиши принципи.**

Мазкур принцип тест топшириқлари мазмунини танлашда мақсадга мувофиқликни келтириб чиқаради, яъни Рейтинг тизимининг оралик ва якуний назорат учун тузилаётган тест топшириқларининг мазмуни унинг тури ва қўлланишини эътиборга олинган ҳолда боб, бўлим ёки курс мазмунини тўлиқ қамраб олишини тақоза этади.

Шунингдек, якуний назорат учун тузилаётган тест топшириқлари ўзида курснинг назарий масалалари, тушунчалар, қонунлар ва қонуниятлар, гипотезалар, фактик материаллар, масала ва машқларни мужассамлаштириши лозим.

**8-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг тизимлилиги принципи.**

Мазкур принципга асосан, тест топшириқларининг мазмунини танлашда, мазмун талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишда тизимлилик талабларига жавоб бериши лозим. Ундан ташқари тест топшириқларининг тизимли мазмуни, бир-бири билан узвий боғланган билимларнинг умумий структурасини акс эттириши зарур.

Демак, ҳар бир тест топшириғи умумий билимлар тизимидан унинг муайян қисмини назорат қилишига эътибор қаратиш лозим.



**9-принцип. Тест топшириғи мазмунининг вариативлиги принципи.**

Тест топшириғи биринчи марта амалиётга жорий этилганда, уларнинг мазмуни талабаларга маълум бўлиб қолади ва тест жавоблари ҳақидаги ахборотнинг четга чиқиб кетиш ҳолларининг олдини олиш учун, мазкур принцип тест саволлари ва жавобларини кўп вариантли қилиш, уларни алмаштириб, янгилаб туришни тақоза этади. Бу ҳолатда тест топшириқларининг мазмуни ва уни бажариш қийинчилик даражасини сақлаш талаб этилади.

**Ўқув топшириқлари**

ЎФЭ	МОДУЛЛАР ТОПШИРИҚЛАРИ	БЎЙИЧА	ЎҚУВ	МЕТОДИК КЎРСАТМА	БАЛЛ
1.	<p><b>Мақсад:</b> Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузишни ўрганиш.</p> <p><b>1-модул бўйича берилган материалларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб топинг.</b></p> <p>1. Стандарт ва ностандарт тест топшириқларининг ўхшашлиги ва фарқини эътиборга олган ҳолда Венн диаграммасини тузинг.</p> <p>2. Ностандарт тест топшириқларининг турларини аниқланг ва улардан педагогик фаолиятингизда фойдаланиш йўлларини белгиланг.</p> <p>3. Ностандарт тест топшириқларини ўрганинг ва ўзингиз ўқийдиган курс мазмунидан муайян мавзу бўйича тест топшириқларини шакллантиринг.</p> <p>4. Сиз қандай ўзгартиришлар киритишни таклиф этасиз?</p>			Кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда ишланг	2-балл
2.	<p><b>Мақсад:</b> Тингловчилар томонидан талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мақсадида шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилиш.</p> <p>1. Сизга тавсия этилган ностандарт тест топшириқларини намуна сифатида қабул қилиб, ўзингиз ўқийдиган курс бўйича 15 та тест</p>				3-балл



	<p>топшириғини тузинг.</p> <p>2. Курс бўйича шакллантирилган ностандарт топшириқларини тақдимотга тайёрланг.</p> <p>3. Ўзингиз тузган тест топшириқларининг афзаллиги, камчилиги ва уни тузишда учраган қийинчиликлар юзасидан фикр билдиринг.</p>		
3.	<p>Модул дастурини яқунлаш.</p> <p>Мақсад: Ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.</p> <p>1. Модул дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эришдингиз?</p> <p>2. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни такрорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгишга эришдингиз?</p> <p>3. Ушбу модул дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?</p> <p>4. Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 5 балл билан баҳоланг.</p> <p>5. Амалий машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва модул дастури устида такроран ишланг.</p>	<p>Тўплаган балларингиз-ни жамланг ва кейинги қаторга ёзинг</p>	
	<p>Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари</p>	<p>жами</p>	<p>балл</p>

**3-амалий машғулот: Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларини шакллантириш ва эришилган даражани баҳолаш тизими ўқув фанлари бўйича мураккаблик даражаси турлича (репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва креатив) бўлган ўқув ва тест топшириқларини шакллантириш.**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТНИ БАЖАРИШ АЛГОРИТМЛАРИ:**

1. Ўзингиз ўқитадиган курснинг ишчи дастурини таҳлил қилинг. Унда талаба эгалланиши назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларни таҳлил қилинг.

2. Талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган мазкур билим, кўникма ва малакаларни Блум таксономиясига мувофиқ курс юзасидан ўқув мақсадларига айлантинг.



.....курси бўйича ўқув мақсадлари

1-жадвал

<b>Ўқув мақсадлари</b>	<b>Ўқув мақсадларининг мазмуни</b>
<i>Билиш</i>	<i>аниқлаши; таърифлаши; қайта ишлаши; айтиб бериши; моҳиятини тушунтириши; ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиши;</i>
<i>Тушуниш</i>	<i>Умумлаштириши; Қайта ишлаш; Асосий зояни қайта ишлаш; Мисоллар келтириши; Ҳимоя қилиши;</i>
<i>Амалиётга қўллаш</i>	<i>Мослаштириши; Қайта ишлаш; Лойиҳалаш; Моделлаштириши; Қайта айтиб бериш;</i>
<i>Таҳлил</i>	<i>Таққослаш Қисмларга ажратиш Ажратиб кўрсатиш Қиёслаш</i>
<i>Синтез</i>	<i>Гуруҳларга ажратиш Умумлаштириши Реконструкция</i>
<i>Хулосалаш</i>	<i>Баҳолаш Танқидий фикр юритиш Фикрга қарши фикр билдириш Қўллаб-қувватлаш Инкор этиш</i>

3. Курс мазмунидаги модулар давомида талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган мазкур билим, кўникма ва малакаларни Блум таксономиясига мувофиқ модул учун ўқув мақсадларига айлантиринг.



.....курсдан 1-модул бўйича ўқув мақсадлари  
2-жадвал

<b>Ўқув мақсадлари</b>	<b>Ўқув мақсадларининг мазмуни</b>
<i>Билиш</i>	<i>аниқлаши; таърифлаши; қайта ишлаши; айтиб бериши; моҳиятини тушунтириши; б. ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиши;</i>
<i>Тушуниш</i>	<i>Умумлаштириши; Қайта ишлаш; Асосий зояни қайта ишлаш; Мисоллар келтириши; Ҳимоя қилиши;</i>
<i>Амалиётга қўллаш</i>	<i>Мослаштириши; Қайта ишлаш; Лойиҳалаш; Моделлаштириши; Қайта айтиб бериш;</i>
<i>Таҳлил</i>	<i>Таққослаш Қисмларга ажратиш Ажратиб кўрсатиш Қиёслаш</i>
<i>Синтез</i>	<i>Гуруҳларга ажратиш Умумлаштириш Реконструкция</i>
<i>Хулосалаш</i>	<i>Баҳолаш Танқидий фикр юритиш Фикрга қарши фикр билдириш Қўллаб-қувватлаш Инкор этиш</i>

4. Модул бўйича белгиланган ўқув мақсадларини мавзуларнинг мазмунини эътиборга олган ҳолда машғулотнинг ўқув мақсадларини аниқланг.

.....курсдан 1-модул таркибидаги .....

мавзу бўйича ўқув мақсадлари

3-жадвал

<b>Ўқув мақсадлари</b>	<b>Ўқув мақсадларининг мазмуни</b>	<b>Машигулотдаги назорат тури</b>	<b>Рейтинг тизимидаги тест топириги тури</b>
<i>Билиш</i>	<i>1. аниқлаши; 2. таърифлаши; 3. қайта ишлаши; 4. айтиб бериши; 5. моҳиятини тушунтириши; 6. ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиши;</i>	<i>Тест топириги Оззаки жавоб Кластер тузиш Оззаки жавоб Оззаки жавоб Кластер тузиш</i>	<i>Репродуктив Продуктив Қисман-изланишли Креатив даража</i>
<i>Тушуниш</i>	<i>Умумлаштириши; Қайта ишлаш; Асосий зояни қайта ишлаш; Мисоллар келтириши; Ҳимоя қилиши;</i>	<i>Кластер тузиш Кластер тузиш Венн диаграмма Масалалар ечиш Венн диаграммаси</i>	<i>Продуктив Қисман-изланишли Креатив даража</i>
<i>Амалиётга қўллаш</i>	<i>Мослаштириши; Қайта ишлаш; Лойиҳалаш; Моделлаштириши; Қайта айтиб бериши;</i>	<i>Оззаки жавоб Кластер тузиш Кластер тузиш Кластер тузиш Оззаки жавоб</i>	<i>Репродуктив Продуктив Қисман-изланишли Креатив даража</i>
<i>Таҳлил</i>	<i>Таққослаш Қисмларга ажратиш Ажратиб кўрсатиш Қиёслаш</i>	<i>Венн диаграммаси Кластер тузиш Кластер тузиш Венн диаграммасини тузиш</i>	<i>Қисман-изланишли Креатив даража</i>
<i>Синтез</i>	<i>Гуруҳларга ажратиш</i>	<i>Кластер тузиш</i>	<i>Қисман-</i>

	<i>Умумлаштириши Реконструкция</i>	<i>Венн диаграммасини тузиши Кластер тузиши</i>	изланишли Креатив даража
<i>Хулосалаш</i>	<i>Баҳолаш Танқидий фикр юритиши Фикрга қарши фикр билдириши Қўллаб-қувватлаш Инкор этиши</i>	<i>Оззаки жавоб Оззаки жавоб Оззаки жавоб Оззаки жавоб Оззаки жавоб</i>	Репродуктив Продуктив Қисман- изланишли Креатив даража

5. Машғулот якунида қуйидаги жадвалга мос идентив ўқув мақсадлари шакллантирилиши лозим.

Мавзу:  
4 жадвал

<b>Машғулотининг мақсади:</b>	
-------------------------------	--

Машғулот давомида қуйидаги якуний натижага эришиш назарда тутилмоқда:
<b>Талабалар билиши керак:</b>
<b>Талабалар тушуниши керак:</b>
<b>Талабалар қўллай олиши керак:</b>
<b>Талабалар таҳлил қила олиши керак:</b>
<b>Талабалар синтезлай олиши керак:</b>
<b>Талабалар баҳолай олиши керак:</b>

6. Машғулот учун белгиланган идентив ўқув мақсадларига талабаларнинг эришилганлик даражасини аниқлаш учун назорат топшириқларини шакллантиринг.

**4-амалий машғулот: Кредит бирликларини аниқлаш ва уларга мос холда талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш**

Тингловчилар ўзлари ўқитадиган фанлари бўйича такдимот тайёрлайди. Семинар-тренинг шаклида ўтказилади.

Биологик фанларни ўқитишда Халқаро баҳолаш дастурларининг талабларини амалга оширишга эътибор қаратиш лозим.

“Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга мувофиқ Республика халқ таълими тизимида куйидаги дастурлар амалиётга жорий этилмоқда.

**ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА МОҲИАТИ**

<b>4-ДАРАЖА</b>	<p><b>ПЕДАГОГИК КАДРЛАР УЧУН TALIS - TEACHING AND LEARNING INTERNATIONAL SURVEY-ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ СИФАТИНИ ХАЛҚАРО ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИГА АСОСЛАНГАН ТАДҚИҚОТ</b></p>
<b>3-ДАРАЖА</b>	<p><b>1-7 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН PISA - PROGRAMME FOR INTERNATIONAL STUDENT ASSESMENT-15 ЁШЛИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚИШ, МАТЕМАТИКА ВА ТАБИИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ФАНЛАРДАН САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН</b></p>
<b>2-ДАРАЖА</b>	<p><b>1-4 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН TIMSS - THE TRENDS IN INTERNATIONAL MATHEMATICS AND SCIENCE STUDY ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАТЕМАТИКА ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ СИФАТИНИ ХАЛҚАРО МОНИТОРИНГЛАШ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ</b></p>
<b>1-ДАРАЖА</b>	<p><b>1-4 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН PIRLS - PROGRESS IN INTERNATIONAL READING AND LITERACY STUDY ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАТНИИ ЎҚИШ ВА ТУШУНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН.</b></p>

Қарорда қайд этилган халқаро баҳолаш дастурлари бўйича олиб бориладиган халқаро тадқиқотлардан бири Progress in International Reading and Literacy Study (PIRLS) саналади. Мазкур баҳолаш дастури бошланғич





мактабнинг 4-синф ўқувчиларининг матни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш учун татбиқ этилади.

Тадқиқотнинг асосий объекти эса, дунёдаги турли мамлакатларнинг таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни умумий хусусиятга эгаллиги эътиборга олинган ҳолда ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг ижтимоий муҳитга мослашиши, турли манбалар воситасида ўқувчиларнинг мустақил билим олиш фаолиятининг ривожланганлик даражасини ўрганишни назарда тутди.

TALIS - Teaching and Learning International Survey – нималарни тадқиқ этади?

TALIS – турли мамлакатларда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг халқаро қиёсий таҳлиliga асосланган тадқиқот бўлиб, Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан таъсис этилган. Мазкур дастур қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

- Мактабда педагогик фаолият юритаётган ўқитувчилар ва таълим муассасалари раҳбарларини таълим-тарбия жараёнини таҳлил этишга йўналтириш, таълим сиёсатининг асосий аспекти бўйича таълим сифати кўрсаткичларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- Халқаро консорциум, ўқитувчилар ассоциацияси, мамлакатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- Анкета саволларига ёзилган жавобларни таҳлил этиш, таълим сифати кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш, фойдаланилмаётган ресурсларни белгилаш, улар юзасидан тақдимот, кўрсатма ва ҳисоботлар тайёрлаш;

- Халқаро ва миллий таълим тизимини ривожлантириш юзасидан ахборот танқислигининг олдини олиш, маълумотлар базаси ва дастурий таъминотини тайёрлаш, таълим тизими амалиётида ўқитиш шароитлари ва сифати, ўқитиш жараёни самарадорлигига ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлик даражасининг таъсири юзасидан мезонлар ишлаб чиқиш.

Мазкур халқаро баҳолаш дастурлари Республикамиз таълим тизимини мазмунан янгилаш, инновацион таълим муҳитини яратиш, таълим сифатини орттиришни талаб этади ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради:

- Педагогик кадр тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичи ўқув режасига халқаро ва миллий таълим тизимини ривожлантириш парадигмалари билан таништириш, ўқитишни халқаро баҳолаш дастурлари талабларини амалга оширишга замин тайёрлайдиган ўқув курсларини киритиш;

- Олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари, илмий изланувчиларни халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларнинг муаммолари юзасидан илмий изланишларга мақсадли жалб этиш;



- Халқаро баҳолаш дастурлари PIRLS TIMSS ва PISA талаблари асосида ўқиш, ўзбек тили ва адабиёти, математика ва табиий ўқув фанлари бўйича ўқув ва ностандарт адаптив топшириқларини шакллантириш, ўқувчиларнинг мустақил иш дафтарларини босма шаклда ва модулли ўқитиш тизимига асосланган электрон вариантини тайёрлаш ахборот технологиялари воситасида баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш;

- Халқаро баҳолаш тизими TALIS (Teaching and Learning International Survey) талаблари асосида педагог кадрларнинг касбий компетентлигини аниқлаш учун квалиметрик диагностика анкета сўровномасини тайёрлаш ва on-line тизими воситасида аниқлаш;

- Педагог кадрлар томонидан ўзининг касбий компетентлигини мустақил назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш имконини берадиган квалиметрик диагностика топшириқларидан иборат методик ва электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш зарур;

Узлуксиз таълим тизими олдида қўйилган муҳим вазифалардан бири таълим-тарбия жараёнида инновацион муҳитни яратиш саналади.

Аввало, инновация сўзининг маъносини таҳлил қилиш лозим.

Инновация-инглизча сўздан олинган бўлиб, ин-киритиш, новация янгилик деган маънони беради.

Ўқитишда инновацион муҳитни яратиш ўқитувчидан кўп қиррали изланиш ва амалий фаолиятни талаб этади.

Республикамизда узлуксиз таълимни жорий этиш жараёнида таълим мазмуни янгиланди, ўқув дастурлари ва ўқув фанлари бўйича ДТС модернизацияланди. Ушбу жараён таълим-тарбия жараёнининг бошқа таркибий қисмлари: ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларини инновация киритиш орқали модернизациялашни талаб этмоқда.

Замон билан ҳамнафас педагогик фаолият юритаётган модератор ўқитувчилар юқорида қайд этилган талабларга монанд ҳолда ўқитишда интерфаол методлар, педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш бўйича дастлабки тажрибаларни эгалламоқда.

Талабаларнинг **Блум таксономияси бўйича** билиш ўқув мақсадига эришганлигини назорат қилишда улар томонидан муайян мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун талаба мавзу бўйича объектларни аниқлаши, уларга таъриф бериши, маълумотларни қайта ишлашлари, ўз фикрини баён этиши, муайян жараён, объект ёки воқеанинг моҳиятини тушунтириши, мазкур жараён, объект ёки воқеанинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш кўрсатиши керак бўлади.


Ушбу фикрларни стандарт ўқув ва тест топшириғи билан амалга ошириб бўлмайди, билиш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини аниқлашда куйидаги **расм** ва **кўп жавобли ностандарт тестлардан** фойдаланиш тавсия этилади.

**5-амалий машғулот: Кредит-модуль тизимидан фойдаланишда локаль ва хусусий методик технологиялардан фойдаланиш. кредит-модуль тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган локаль технологиялар**

Таълим-тарбия жараёнига локаль даражада қўлланиладиган педагогик технологиялар жумласига “Инсерт”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Ақлий ҳужум”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Кейс стади”, “Атамалар занжири”, “Атамалар варағи” ва ҳ.к. киради.

Мазкур технологиялар машғулотларнинг бир қисми, яъни талабаларнинг ўтган мавзу бўйича ўзлаштирган билимларини аниқлаш, талабаларнинг ўқув мотивларини фаоллаштириш ёки мавзуни умумлаштириш ва хулоса ясада фойдаланиш мумкин.

**МАЪРУЗА ТИПЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**



### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЛОКАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлан-тириш	Янги мавзунини ўрганиш.	Яқун яшаш ва хулосалаш	Мустақил иш топшириқларини бериш
АТАМАЛАР ЗАНЖИРИ, АТАМАЛАР ИЗОҲИ	ҚИЗИҚАРЛИ АНАЛОГИЯ, АҚЛИЙ ҲУЖУМ КЛАСТЕР ВЕНН ДИАГРАММАСИ КЕЙС СТАДИ	ХУСУСИЙ МЕТОДИК ДАРАЖАДАГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР	АҚЛИЙ ҲУЖУМ КЛАСТЕР ВЕНН ДИАГРАММАСИ КЕЙС СТАДИ	АҚЛИЙ ҲУЖУМ КЛАСТЕР ВЕНН ДИАГРАММАСИ КЕЙС СТАДИ

### ҲАМКОРЛИҚДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ЎҚИТИШ МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлан-тириш	Янги мавзунини ўрганиш.	Яқун яшаш ва хулосалаш	Мустақил иш топшириқларини бериш
Давоматни аниқлаш Аввалги мавзунини қисқача эсга тушириш	Қизиқарли аналогиялар, ўрганиладиган мавзу материалларидан мустақил ҳаёт ва касбий фаолиятдаги ўрни	Мавзу муайян қисми режага мувофиқ етказилади, <u>Талабаларнинг билиш фаолияти кичик гуруҳларда ишлаш методига асосан ташкил этилади</u>	Ўқитувчи томонидан амалга оширилади	Кўрсатма шаклида



Ўқитувчи талабаларда мустақил ишлаш юзасидан муайян кўникмалар шаклланиб бўлгандан сўнг, мустақил ишлаш ҳажмини кўпайтиради. Унда маъруза машғулотининг модели куйидаги кўринишга эга бўлади.

Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш	<b>Янги мавзуни ўрганиш</b>	<b>Яқун яшаш ва хулосалаш</b>	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқун яшаш.
Давоматни аниқлаш <b>Атамалар варағидан фойдаланиш</b> <b>Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш</b>	Ўқув мақсадларини қўйиш <b>Ақлий ҳужум ўтказиш</b>	Маъруза Кичик гуруҳларда ишлаш Маъруза <b>Кичик гуруҳларда ишлаш</b>	<b>Кичик гуруҳлар ўртасида мунозараларини ўтказиш</b>	<b>Кичик гуруҳларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш</b> <b>Мустақил иш топшириқларини тавофутлаб бериш</b>

Юқорида берилган тавсиялардан маърузанинг боришини ўзгартирмаган ҳолда, мавзу мазмунида тушунча ва атамалар, илмий-назарий масалалар ўрин олган ҳолларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Дастлаб маърузани тавсияга мувофиқ ташкил этилиши талабалар томонидан билимларни мустақил ўзлаштириш, мавзу мазмунидаги асосий ғояни ажратиш, ўз фикрини баён этиш, мустақил фикр юритиш кўникмаларини таркиб топтириш имконини беради.

Маърузада талабаларнинг кичик гуруҳларда мустақил ишларининг ташкил этилиши уларнинг билиш фаолиятини ташкил этишда муайян ўзгартиришлар киритилишига замин тайёрлайди, шунингдек, талабаларни объект мақомидан ажралиб, субъект мақомига ўтишга замин тайёрлайди.

**Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг командада ўқитиш методига асосланган маъруза машғулотини такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш	<b>Янги мавзуни ўрганиш.</b>	<b>Яқун яшаш ва хулосалаш</b>	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқун яшаш.
---------------	--	------------------------------	-------------------------------	---



Давоматни аниқлаш Атамалар варағидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Ақлий ҳужум ўтказиш	1-қисм Командада ишлаш 2-қисм Командада ишлаш 3-қисм Командада ишлаш 4-қисм Командада ишлаш	Ҳар бир қисм якунида командалар ўртасида мунозара ларини ўтказиш Мавзуни умумий якунлаш	Командаларнинг эришган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқларини тавофутлаб бериш
---	--	--	--	---

**Модулли таълим технологиясининг талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган модуль дастурига асосланган машғулотнинг ишланмаси**

Модулли таълим технологиясига асосланган маърузани такомиллаштириш бўйича тавсиялар

3-вариант

Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш	<b>Янги мавзуни ўрганиш.</b>	Яқун яшаш ва хулосалаш	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқун яшаш.
Давоматни аниқлаш Атамалар варағидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Ақлий ҳужум ўтказиш	1-Модуль Кичик гуруҳларда ишлаш 2-Модуль Кичик гуруҳларда ишлаш 3-Модуль Кичик гуруҳларда ишлаш 4-Модуль Кичик	Ҳар бир модуль якунида кичик гуруҳлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш Мавзуни умумий якунлаш	Кичик гуруҳларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқларини тавофутлаб бериш



		гуруҳларда ишлаш Модул дастурини яқунлаш		
--	--	--	--	--

Маъруза машғулотида дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди

Ўқитишда бошқа педагогик технологиялар каби дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур технологиянинг конференция, тақдирот, ижодий ўйин, ўйин машқлардан фойдаланиш юқори самара беради. Ушбу машғулотларда талабаларнинг билим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлаштирилади, шу сабабли талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Маъруза мавзуси жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, фактик материалларни ўрганишга бағишланган бўлса, у ҳолда дидактик ўйин технологиясининг конференция шаклидан фойдаланиш тавсия этилади.

Дидактик ўйин технологиясининг конференциясига асосланган маърузани такомиллаштириш бўйича тавсиялар

4-вариант

Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш	Янги мавзунини ўрганиш.	Яқун яшаш ва хулосалаш	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқун яшаш.
Давоматни аниқлаш Атамалар варағидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Бумеранг, Блиц-ўйин	1-гуруҳ Маърузаси 2-гуруҳ Маърузаси 3-гуруҳ Маърузаси 4-гуруҳ Маърузаси  Кластер	Ҳар бир тақдирот якунида кичик гуруҳлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш Мавзунини умумий яқунлаш	Кичик гуруҳларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқларини тавофуқлаб бериш

Дидактик ўйин технологиясининг “Тақдимот” тури асосан курс ва бобларнинг дастлабки мавзуларини ўрганадиган машғулотларда фойдаланиш тавсия этилади.

Мазкур машғулотдан бир ҳафта олдин ўқитувчи талабаларни кичик гуруҳларга ажратиб уларга курс ёки боб юзасидан муаммоларга бағишланган савол-топшириқлар беради.

Ҳар бир гуруҳ ўзларига топширилган муаммо юзасидан изланиш олиб боради ва изланиш натижаларини тақдим этади.

**Дидактик ўйин технологиясининг тақдимот машғулотига асосланган маърузани такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

5-вариант

Ташкилий қисм	Талабалар-нинг ўқув мотивларини ривожлантириш	Янги мавзунини ўрганиш.	Яқун яшаш ва хулосалаш	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқун яшаш.
Давоматни аниқлаш Атамалар варағидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Бу меранг, Блиц-ўйин	1-гуруҳ Ишининг тақдимоти 2-гуруҳ Ишининг тақдимоти 3-гуруҳ Ишининг тақдимоти 4-гуруҳ Ишининг тақдимоти	Ҳар бир тақдимот якунида кичик гуруҳлар ўртасида мунозараларини ўтказиш Мавзунини умумий яқунлаш	Кластер Кичик гуруҳларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқларини тавофуқлаб бериш

Дидактик ўйин технологиясининг ижодий ўйин машғулотига асосланган маърузани такомиллаштириш бўйича тавсиялар

6-вариант

Ташкилий қисм	Талабалар-нинг ўқув мотивларини ривожлантириш	Янги мавзунини ўрганиш.	Яқун яшаш ва хулосалаш	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқун яшаш.





Давоматни аниқлаш Атамалар варағидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини кўйиш Бумеранг, Блиц-ўйин	1-гурух Ижодий ишининг тақдимоти 2-гурух Ижодий ишининг тақдимоти 3-гурух Ижодий ишининг тақдимоти 4-гурух Ижодий ишининг тақдимоти	Ҳар бир тақдимот якунида кичик гуруҳлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш Мавзуни умумий якунлаш	Кластер Кичик гуруҳларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқларини тавофутлаб бериш
---	--	--	--	--

Дидактик ўйин технологиясининг ижодий ўйин методидан фойдаланилган машғулотнинг савол-топшириқлари аввалги машғулотлардаги савол-топшириқлардан ижодий характердалиги билан фарқланади.

Ушбу маъруза туридан мавзу мазмунидаги муаммоларни талабаларнинг ижодий изланиши орқали ҳал этиш мумкин бўлганда фойдаланиш тавсия этилади.

**6-амалий машғулот: Маъруза машғулотларининг кредит-модуль тизими талаблари асосида квалиметрик диагностикаси.**

Биологик фанларни ўқитишда кредит-модул тизимининг жорий этилиши, ўқитувчилардан педагогик жараёнга янгича ёндашишни талаб этади.

Шу сабабли, профессор-ўқитувчиларнинг кредит-модул тизимининг талаблари асосида педагогик фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади.

Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини ўрганиш дастлаб, педагогнинг ўзи ўқитадиган курснинг ва кредит-модул тизимининг мазмун-моҳиятини англаши, педагогик кадрлар тайёрлашдаги ўрнини билиш, курснинг ўқув-методик таъминотини яратганлиги билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Шунини ҳисобга олган ҳолда қуйида ўқитувчиларнинг кредит-модул тизимига асосланган машғулотларни ўтказишга ўқув-методик тайёргарлигини



ўрганиш, назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари берилмоқда. Мазкур мезонлар курсни ўқитиш шакллари: маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ташкил этадиган ва ўтказадиган ўқитувчилар учун умумий саналади.

**1. Ўқитувчининг машғулотларни ўтказишга ўқув-методик тайёргарлиги – 30 балл**

**2.**

№	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш даражаси	
		балл	Ўқитувчи баҳоси
1	Фан бўйича тасдиқланган ишчи ўқув дастури, маърузалар матни кредит-модуль тизимига асосланган (ўқув-методик мажмуа, фан силабуси, амалий машғулотлар учун кредит бирликларга асосланган топшириқлар тўплами)нинг мавжудлиги ва сифати	2	
2	Кредит-модуль тизимига асосланган ҳолда кредит бирликларнинг мақсадга мувофиқ белгиланганлиги ва фойдаланиш сифати	1	
3.	Маъруза мавзусига боғлиқ ҳолда Блум таксономиясига асосан ўқув мақсадларнинг шакллантирилганлиги	6	
4.	Блум таксономиясига асосан белгиланган ўқув мақсадларнинг мақсадга мувофиқлиги ва амалга ошириш йўллари	4	
5	Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган Кейс-стади топшириқларининг мавжудлиги	5	
6.	Инновацион ва ахборот технологиялардан фойдаланиш учун тарқатма ва дидактик воситаларнинг мавжудлиги	4	
7.	Таълим-тарбия жараёнида мавзулар бўйича тақдимот учун слайд, анимация, ўқув ва видеофильм ва электрон дарсликларнинг мавжудлиги	4	
8.	Курсдан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида маъруза машғулотлари мазмунининг семинар, амалий, лаборатория машғулоти билан узвийлиги	1	
9.	Кредит-модуль тизимининг кредит	1	



	бирлигига мувофиқ талабаларнинг жорий, оралиқ ва якуний назорати учун тайёрланган назорат топшириқларининг қийинлик даражаси кўрсаткичлари		
<b>10.</b>	Кредит-модуль тизимининг кредит бирлигига мувофиқ мустақил ишлар мазмуни, бажариш юзасидан кўрсатмалар, баҳолаш мезонлари ва уларнинг даражаси	<b>2</b>	

**Жами 30 балл**

**2.2. Маъруза машғулоти кўзатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффициентини аниқлаш.**

**Ўқитувчининг маъруза машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш маҳорати мезонлари мезонлари**

№	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш баллари	
		Балл	Ўқитувчи бали
<b>I</b>	<b>Ташкилий қисм</b>	<b>10</b>	
<b>1</b>	Маъруза машғулотининг ўз вақтида ва ўз аудиториясида бошланиши, кўргазма воситаларининг мавжудлиги	<b>1</b>	
<b>2</b>	Маъруза машғулотининг бориши билан таништириш, маънавият дақиқаси ва қизиқарли аналогиядан фойдаланиш	<b>2</b>	
<b>3</b>	Маъруза машғулотининг бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши	<b>1</b>	
<b>4</b>	Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши	<b>2</b>	
<b>5</b>	Ўқув мақсадларининг шакллантирилганлиги ва талабалар зиммасига юклатилиши	<b>1</b>	
<b>6</b>	Маъруза машғулотининг замон талаблари, шаклан ва мазмунан календар-режага мос келиши	<b>3</b>	
<b>II</b>	<b>Янги мавзунини ўрганиш</b>	<b>40</b>	
<b>7</b>	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини фаоллаштириш ва мавзулараро боғланишни амалга оширишда уларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш даражаси	<b>2</b>	
<b>8</b>	Кредит-модуль тизими талабларига мувофиқ	<b>3</b>	



	фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишнинг кенг қамровлилиги, темпи, мақсадга мувофиқлиги, узвийлиги.		
9	Мавзу мазмунидаги асосий ғоя, қонунлар, қонуниятларнинг ёритилиши, тушунчалар ва кўникмаларни шакллантириш босқичлари кетма-кетлигига амал қилинганлиги	5	
10	Кредит-модуль тизими талабларига мувофиқ талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (ялпи, индивидуал, кичик гуруҳлар) ва бошқарилиши	10	
11	Инновацион ва ахборот технологиялардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш даражаси	10	
12	Кредит-модуль тизими талабларига мувофиқ назарий ва талабалар томонидан мустақил ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалларининг сифати, мавзу мазмунини қамраб олинганлиги, ўз вақтида фойдаланилиш ҳолати	5	
13	Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларининг тузилганлиги ва ўз вақтида фойдаланилиши.	5	
III	<b>Маъруза машғулотнинг мазмуни сифати:</b>	10	
14	Маъруза машғулоти мазмунининг ғоявий-сиёсий йўналтирилганлиги, илмий-назарий, методологик жиҳатдан асосланганлик даражаси	2	
15	Маъруза мазмунидаги маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги, талабалар онги ва қалбига миллий ғояларнинг сингдирилиши	2	
16	Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши	2	
17	Маъруза мазмунига фан янгиликлари, инновацияларнинг киритилганлиги, талабаларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилганлиги	3	
18	Ўқитувчининг мулоқот маданияти, нутқининг раволиги, интонацияси, темпи ва овоз тембри	1	
IV	<b>Маъруза машғулотда талабалар фаоллиги ва ҳолати</b>	10	



19	Талабаларнинг фанни ўрганишга бўлган мотивацияси	3	
20	Талабалар томонидан Кейс-стади топшириқларини бажариш жараёнида аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги	5	
21	Талабаларнинг маъруза машғулоти жараёнида фаоллиги ҳолати	1	
22	Талабаларда муомала, нутқ ва кийиниш маданияти ҳолати	1	

**Жами 70 балл**

### **КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИГА АСОСЛАНГАН МАЪРУЗА МАШЎУЛОТИНИ КУЗАТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

#### **Машғулотларни кузатиш босқичлари**

Олий таълим муассасаларида маъруза машғулоти - таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади. Мазкур машғулотни кузатиш учун, аввало, маъруза машғулотининг типи (кириш, муаммоли, умумлаштирувчи), мақсади ва вазифалари, фойдаланиладиган инновацион технологияларни аниқлаб олиш зарур.

#### **Машғулот куйидаги босқичларга бўлиб таҳлил қилинади:**

**Умумий маълумотлар:** гуруҳ, ўқув фани, маъруза машғулоти типи, тури (фронтал, кичик гуруҳларда ишлаш), мавзуси, машғулот ўтказилаётган вақт.

**Ўқитувчининг машғулотга тайёргарлиги:** ўқитувчида ўқув фанини ўқитиш режалаштирилган ишчи дастури, истиқбол режа, мавзули-тақвим режа, мавзу бўйича Кейс стади топшириқлари, кичик гуруҳларда ўқитиш методидан фойдаланиш имконини берадиган ўқув топшириқлари мажмуаси, мустақил таълим режаси, рейтинг тизими бўйича баҳолаш меъёрларини камраб олган фан силабуси, машғулот ишланмаси ва технологик хаританинг мавжудлиги, ўтган ва янги мавзу бўйича талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш учун топшириқларнинг етарли нусхада бўлиши;

**Эслатма:** ўқитувчида юқорида қайд этилганларнинг бирортаси бўлмаган ҳолда ўқитувчи машғулотга қўйилмаслиги мумкин.

**Ўқув хонасининг машғулотга тайёргарлиги:** аудиториянинг санитария-гигиена қоидаларига жавоб бериши, талаб даражасида жиҳозланганлиги, талабаларнинг ёшлик ва физиологик хусусиятлари ҳисобга

олинган ҳолда ёритилганлиги, мебеллар мослиги, ўқув ва кўргазма жиҳозлари ва мавзу бўйича тақдимотнинг мавжудлиги.

**Машғулотнинг ташкилий қисми:** машғулотнинг ўз вақтида бошланиши, ўқитувчи ва талабаларнинг машғулотга муносабати, саломлашиш одоби, гуруҳда онгли интизомнинг мавжудлиги, давоматни аниқлаш, ўтган мавзу ва уй топшириқларини аниқлаш, ташкилий қисм учун сарфланган вақт.

**Янги мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини фаоллаштириш.** Фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишни амалга оширилганлиги, Кейс стади топшириғи, Ақлий хужум ўтказилганлиги, топшириқларнинг кенг қамровлилиги, топшириқларнинг мураккаблик даражаси ва кетма-кетлиги, темпи, рағбатлантиришнинг мавжудлиги, унинг ҳаққонийлиги, узвийлиги. Талабалар ўқув мотивларининг ҳолати. Ажратилган вақт.

**Ўтган мавзунини яқунлаш ва янги мавзу билан боғланиши.** Ўқитувчи томонидан фойдаланилган методлар ва кўргазма воситалари, унда талабаларнинг билимларидан фойдаланиши, типик хато ва камчиликларни бартараф этиши, яқунлашнинг кенг қамровлилиги, асосий тушунча ва таянч сўзларга урғу бериши, хулосалаши, ажратилган вақт.

Ўқитувчининг талабаларнинг жавоблари, билим, кўникма ва малакаларидаги камчиликларни аниқлай олиш маҳорати, талабалар интизоми ва уларни сақлаш учун қўлланилган чоралар.

#### **Янги мавзунини ўрганиш:**

- Талабаларни янги мавзунинг ўқув мақсадлари, вазифалари, маъруза давомида кичик гуруҳларнинг машғулоти давомида бажариладиган ишлар билан таништирилиши, ўқув мақсадларининг қўйилишда талабаларнинг иштироки.

- Янги мавзунинг мазмуни, асосий ғоя, қонунлар, қонуниятларнинг ёритилиши, талабаларда шакллантириладиган тушунча, кўникма ва малакалар, талабалар томонидан ўзлаштириш босқичларига амал қилинганлиги.

- Мавзу баёнида ўқитиш принципларига амал қилинганлиги (илмийлик, тушунарлилик, тизимлилик, кенг қамровлилик, назария ва амалиёт бирлиги, маҳаллий ҳамда қўшимча материаллар билан бойитилганлик, таълим-тарбия узвийлигини амалга ошириш ва ҳ.к.).

- Мавзу баёнида фанлараро, бўлимлараро, мавзулараро боғланишнинг амалга оширилганлиги.



- Мавзуни ўрганишда фойдаланилган репродуктив (оғзаки, кўрғазмали, амалий) ва фаол (муаммоли, мантиқий, ижодий изланишли, дидактик ўйинли ва ҳ.к.) методлар, воситалар (кўрғазмали қуроллар, лаборатория жиҳозлари, тарқатма ва дидактик материаллар, ўқув-техник ва компьютер воситаси ва ҳ.к.);

- Маъруза машғулотида фойдаланилган инновацион ва ахборот технологиялар (муаммоли, модулли, дидактик-ўйинли, ҳамкорликда ўқитиш)нинг мавзу мазмунига мувофиқ танланганлиги. Инновацион технологияларнинг талабалар билиш фаолиятини ташкил этиш, билим захираси, эгалланган кўникма ва малакалари, ёшлик ва психологик хусусиятларига мослиги.

- Машғулот давомида Кейс стади ва ақлий ҳужум топшириқи асосида муаммоли вазиятларнинг туғдирилиши, уларни ҳал этишда талабалар билимидан фойдаланиши, талабаларнинг билиш фаолияти ва уларнинг машғулотдаги иштироки. Янги мавзуни ўрганишга ажратилган вақт.

- Маъруза машғулоти мазмунига боғлиқ ҳолда тақдимот материалларининг мавжудлиги ва ўз ўрнида мақсадга мувофиқ фойдаланилганлиги.

- Ўқитувчининг нутқи, дикцияси, педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, ўқув мақсадлари ва топшириқларини қўя олиши, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш кўникмалари, ўзини тутиши, мимикаси, ҳис - ҳаяжонини бошқара олиши, талабаларга нисбатан педагогик (авторитар ёки инсонпарварлашган) муносабати.

**Маъруза машғулотининг мазмунан таҳлили.** Маъруза мазмунан бугунги куннинг долзарб муаммоларни қамраб олинганлиги, ғоявий-сиёсий йўналтирилганлик, мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши, таълим-тарбиянинг узвийлиги.

Маъруза режасининг тўлиқ ёритилганлиги, талабаларнинг мазмундаги назария, ғоя, қонуниятлар, тушунча, атамаларни ўзлаштириш жараёнида дидактик қонуниятларга амал қилинганлиги, тушунча ва атамаларнинг изоҳининг ёритилиш даражаси.

**Машғулотни яқунлаш** – яқунлашнинг характери, тўлиқлиги, ўқитувчи томонидан фойдаланилган методлар ва кўрғазма воситалари, унда талабалар жавобидаги типик хато ва камчиликларни бартараф этиши, яқунлашнинг кенг қамровлилиги, асосий тушунча ва таянч сўзларга урғу бериши, хулосалаш, ажратилган вақт.

### **Умумий хулоса ва фикрлар**



1.Машғулот давомида йўл қўйилган камчиликлар

---

---

---

---

---

---

---

**Таклиф ва мулоҳазалар**

---

---

---

---

---

---

---

Такризчининг фамилияси, исми, шарифи

---

\_\_\_\_\_ (имзо) Сана \_\_\_\_\_

**Эслатма:** Машғулот кузатилганда асосий эътибор ўқитувчининг педагогик фаолиятига эмас, балки талабаларнинг машғулотда иштироки, ўқув мотивларининг даражаси асос қилиб олинади. Шу сабабли машғулотда талабаларнинг мотивацион ҳолатини таҳлил қилиш учун кўрсатмалар берилмоқда:

**Машғулотда талабаларнинг билиш фаолияти қандай шаклларда ташкил этилди?**

Талабаларнинг ҳар 3 минутдаги фаоллигини аниқланг ва қуйидаги ҳолатлар бўйича таҳлил қилинг.

**Танлаш учун вариантлар берилмоқда:**

- Талабаларнинг билиш фаолиятида тўлиқ ҳолдаги сусткашлик кузатилди. Улар фаолиятида ижобий мотив ҳолати йўқ.
- Талабалар ўқув фаолиятига қийинчилик билан киришди, ҳар қандай ҳолатга эътибор беришди. Улар фаолиятида ижобий мотивлар ихтиёрсиз ҳолатда.
- Талабалар ўқув фаолиятга ташқи омилларга эътибор бермаган ҳолда киришиб кетди. Ихтиёрий қизиқувчанлик ва ижобий мотивлар мавжуд.
- Талабалар ўқишга тўлиқ берилиб кетди, ҳалақит берувчи вазиятларга эътибор берилмади. Мақсадга йўналтирилган билишга бўлган қизиқиш, ўқув мотиви мавжуд.
- Ўқитувчи томонидан қўлланган қайси усул, ҳатти - ҳаракати, сўзи, интонацияси талабаларнинг мотив ҳолатини яхшилашга олиб келди.





- Машғулотда талабаларнинг мотивацион ҳолатини яхшилаш, кучайтириш ва барқарор ҳолатда тутиб туриш учун тавсия беринг. Кузатилган ҳолатлар бўйича фикр билдириш.

Юқорида қайд этилганидек, машғулотнинг ҳамма босқичлари тўлиқ кузатилиб, таҳлил қилингандан сўнг, ашғулотнинг бориши, унда талабаларнинг мотивацион ҳолати, ўқитувчининг педагогик фаолияти, ўқитувчи томонидан қўлланилган ўқитиш методлари ва педагогик технологияларнинг мавзу мазмуни, мақсади ва вазифаларига қанчалик мос келиши, машғулотнинг ютуғи ва камчиликлари, умумий хулосалар, фикр ва мулоҳазалар билдирилади.

### **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ ТАҲЛИЛИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

**Машғулот тўлиқ кузатилгандан сўнг, уни таҳлил қилиш ва расмийлаштириш амалга оширилади. Таҳлилдан машғулотнинг бориши, унинг босқичлари, ўқувчиларнинг мотивацион ҳолати, машғулотдаги ютуқ ва камчиликлар, фикр ва мулоҳазалар ўрин олади.**

Машғулотнинг таҳлили унинг ютуқ ва камчиликларининг қайд этилиши ўқитувчининг келгусида машғулотни самарали ташкил этишига замин тайёрлайди.

Ўқитувчи томонидан ўтказилган машғулотни таҳлил қилиш ва уни расмийлаштириш таълим-тарбия самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнида тест топшириқлари тўрт даражада қўлланилади.

